БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 171 (402)

28 АВГУСТ ЯҚШАНБА 1955 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

Партия ва ҳукумат раҳбарлари Дрезден галереяси картиналари виставкасини бориб кўрдилар (1-нчи бет).

СССР Партия ва ҳукумат раҳбарлари «Халқ-демократик Чехословакиянинг 10 йиллиги» виставкасини бориб кўрдилар (1-нчи бет).

Ўртоқ Н. С. Хрушчев Бухарестдан жўнаб кетди (1-нчи бет).

Москвада Дрезден галереяси картиналари виставкасининг ёпилиши ва бу картиналарнинг ГДРга топширилиши (1-нчи бет).

КПСС XX С'ЕЗДИ ШАРАФИГА (1-нчи бет).

КПСС XX с'езди шарафига социалистик мусобақани янада кучайтирайлик (2-нчи бет).

Ғўза парваришини пахта йиғим-теримига тайёргарлик блан боғлаб олиб борайлик (2-нчи бет).

Район газеталари саҳифаларидан (2-нчи бет).

Совет шахтёрларига шон-шарафлар бўлсин! В. Соловьев. — Мамлакатга кўпроқ кўмир етказиб берамиз. **М. Раҳимов, И. Аҳмедов.** — Қардошлар ҳамкорлиги (3-нчи бет).

Парламентаро иттифоқнинг 44-нчи конференцияси (4-нчи бет).

Сув тошқинидан зарар кўрган Ҳиндистон аҳолисига Совет Иттифоқининг ёрдами (4-нчи бет).

И. Собиров, В. Мукашев. — Боғларимизни тезда тиклаб олайлик (4-нчи бет).

Совет шахтёрларининг традицион байрами

Бугун совет шахтёрлари мамлакатимиз меҳнаткашлари блан биргаликда шахтёрлар Кунини зўр қувонч блан байрам қиладилар. Оғир саноатимизнинг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланган кўмир саноатининг кўп миллионли армияси ўзларининг ҳар йили бўладиган традицион байрамини ижодий ташаббуси ва меҳнат соҳасидаги ғайрати ҳарқачонгидан ҳам ошган бир вазиятда кутиб олмоқдалар. Бутун мамлакат бўйлаб КПСС XX с'езди шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақаси янги куч блан тобора кенг қулоч ёймоқда.

Оғир индустрияни ва бутун халқ хўжалигини ривожлантиришда кўмир саноати ғоят муҳим роль ўйнайди. Шу сабабли Коммунистик партия ва Совет ҳукумати мамлакатимизда кўмир саноатини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб, уни ҳозирги замон техникаси блан тобора кўпроқ та'минламоқдалар. Партия ва ҳукуматнинг бу ғамхўрликларига жавобан совет шахтёрлари кўмир чиқаришни кескин суратда кўпайтириш, унинг сифатини яхшилаш, таннархини камайтириш ҳамда халқ хўжалигининг ёқилғига бўлган эҳтиёжларини тўла та'минлаш учун қўшимча имкониятларни излаб топмоқдалар ва уларни ишга солмоқдалар.

Республикамиз кочегаркаси ҳисобланган Оҳангарон шахтёрлари ўзларининг традицион байрамларини ишлабчиқаришда янги ғалабаларга эришиш блан кутиб олмоқдалар. Улуғ Ватан уруши йилларида ишга туширилган Оҳангарон кўмир ҳавзаси қардош совет халқларининг, даставвал оғамиз улуғ рус халқининг яқиндан туриб берган ёрдами туфайли тез сур'атлар блан ривожланмоқда. Ҳозир мавжуд кўмир корхоналаринининг ишлабчиқариш қуввати 1941 йилдагига нисбатан деярли 55 марта кўпдир. Шу кунларда шахта ва разрезларнинг коллективлари жонажон партиямиз XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, зўр ғайрат ва ижодий ташаббус блан ишламоқдалар. Чинакамига оммавий тус олиб бораётган бу мусобақа жараёнида янги-янги ишлабчиқариш илғорлари ва новаторлари етишиб чиқмоқда. Донгдор экскаватор машинистларидан Ҳўжа Алиқулов, Одил Абляжитов, Афанасий Гринев ва бошқа ўртоқларнинг номи фақат ўзбек шахтёрлари ўртасидагина эмас, балки бутун Ўрта Осиё кончилари ўртасида зўр ҳурмат блан тилга олинмоқда.

Ўзбекистон шахтёрлари мавжуд бой техникадан тўла ва унумли фойдаланиш асосида она-Ватанга имкони борича кўпроқ ёқилғи етказиб бериш иштиёқи блан тўлиб-тошгандирлар. Оҳангарон кончилари кўмир саноати корхоналари коллективларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида актив иштирок этмоқдалар. Бешйиллик топширигини тўрт йилда бажарган кўмир разрези коллективи бу мусобақада яхши кўрсатгичларга эришганлиги учун бирнеча марта ВЦСПС ва СССР Кўмир саноати министрлигининг кўчма Қизил байроғини ва пул мукофотини олишга муваффақ бўлди.

Партия ва ҳукумат шахтёрларнинг моддий ва маданий фаровонлигини ошириш ҳақида оталарча ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Ҳозир шахтёрлар шаҳри — Оҳангаронда болалар музика мактаби, 13 та умумий та'лим мактаби, 4 та клуб, 6 та кино-театр, 4 та ясли, 4 та касалхона, 2 та поликлиника, кутубхоналар ва бошқа маданий-маиший ҳамда даволаниш муассасалари шаҳар меҳнаткашларига маданий хизмат кўрсатмоқда. Уй-жой ва маданий-маиший қурилиш ишларига, кончиларнинг меҳнатини муҳофаза қилишга, кўп йил ишлаганликлари учун уларни мукофотлашга давлат ҳар йили жуда катта маблағлар сарфламоқда.

Ўзбекистон шахтёрлари ўзларининг традицион байрамларини 8 ойлик ишлабчиқариш давлат планини муддатидан илгари бажариш ва қўшимча равишда бирнеча минг тонна ёқилғи бериш блан кутиб олдилар. Коммунистик партия совет кишиларини қўлга киритилган муваффақиятлар блан хотиржам бўлиб қолмасдан, балки бу муваффақиятларни меҳнат соҳасида янгидан-янги ютуқлар блан мустаҳкамлаш руҳида тарбиялаб келмоқда. Хўжаликнинг барча соҳаларида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, топширилган ишга нисбатан ҳарбир ходимнинг жавобгарлигини ошириш, мавжуд техникадан унумли фойдаланиш, ишлабчиқаришга илғор техника ва прогрессив технологияни кенг жорий қилиш, ижодий ташаббускорликни қўллаб-қувватлаш асосида меҳнат унумдорлигини тинмай ошираборишни та'минлаш — хўжалик раҳбарлари, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг муҳим вазифасидир.

Ма'лумки, мамлакатимизда, шу жумладан республикамизда саноат корхоналарининг тармоғи йилдан-йилга кенгаймоқда, янгидан-янги турли саноат корхоналари қурилмоқда. Бу эса ўз навбатида шахтёрларимиз зиммасига янги, қўшимча вазифалар юклайди. «Кўмир саноати бўлмаса, — деган эди В. И. Ленин. — ҳозирги замоннинг ҳеҳқандай саноати, ҳеҳқандай фабрика ва заводлари бўлиши мумкин эмас. Кўмир — бу саноатнинг энг зарур озиғидир». Шунинг учун ҳам КПСС Марказий Комитети июль Пленуми Ватанимиз кончилари олдига мавжуд машина ва механизмлардан тўла фойдаланиш, ишлабчиқаришга илғор технижани кенг жорий қилиш, кўмир чиқариш процессида кўп меҳнат талаб этадиган, ва биринчи навбатда оғир иш процессларини комплекс механизациялаш, шахталарнинг проектдаги қувватини қисқа муддат ичида тўла ўзлаштириш каби жуда катта вазифаларни қўйди. Бу вазифаларни муваффақият блан амалга ошириш учун зарур бўлган имкониятларнинг ҳаммаси бор.

Кўмир саноати олдига қўйилаётган янги, улуғвор вазифалар партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг ишини ҳам ҳартарафлама яхшилашни, уларнинг ишлабчиқаришдаги ташкилотчилик ва етакчилик ролини оширишни талаб қилади. Улар омманинг ижодий ташаббусини ҳамма чоралар блан қўллаб-қувватлашлари, илғор участкаларнинг, шахта ва разрезларнинг бой тажрибаларини чуқур ўрганишлари ҳамда бу тажрибаларни бутун коллектив ўртасида кенг оммалаштиришлари лозим. Техника прогресси учун кураш, ишлабчиқаришни ташкил этишни янада яхшилаш масалалари доимо партия ташкилотларининг диққат марказида туриши керак.

Совет кишилари бугун — шахтёрлар Кунида мамлакатимизнинг фидокор ва жонкуяр кончиларига оташин салом йўллайдилар ҳамда она-Ватанимизни янада гуллаб-яшнатиш йўлида уларга чин кўнгилдан янги муваффақиятлар тилайдилар. Ҳеч шубҳа йўкки, мамлакатимиз шахтёрлари, шу жумладан Ўзбекистон шахтёрлари партия ташкилотларининг раҳбарлигида халқ хўжалигига қанча кўмир керак бўлса, шунча миқдорда ёқилғи етказиб бериш учун, мамлакатимизда коммунистик жамият қурилишини тезлаштириш учун бундан кейин ҳам ўзларининг бутун куч ва ғайратларини аямайдилар.

ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ ДРЕЗДЕН ГАЛЕРЕЯСИ КАРТИНАЛАРИ ВИСТАВКАСИНИ БОРИБ КЎРДИЛАР

Л. М. Каганович, Г. М. Маленков, А. И. Микоян, М. Г. Первухин, М. А. Суслов ўртоқлар, КПСС Марказий Комитетининг секретарьлари **А. Б. Аристов** ва **Н. И. Беляев** ўртоқлар Дрезден галереяси картиналарининг А. С. Пушкин номидаги тасвирий сан'ат музейида очилган виставкасини бориб кўрдилар.

Виставкани кўриш вақтида музейнинг бош назоратчиси **А. А. Губер** ва сан'атшунос **Т. А. Седова** картиналарни тушунтириб бердилар. (ТАСС).

СССР ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ «ХАЛҚ-ДЕМОКРАТИК ЧЕХОСЛОВАКИЯНИНГ 10 ЙИЛЛИГИ» ВИСТАВКАСИНИ БОРИБ КЎРДИЛАР

27 августда Москвадаги М. Горький номли маданият ва истироҳат марказий паркида жойлашган «Халқ-демократик Чехословакиянинг 10 йиллиги» виставкасини Л. М. Каганович, Г. М. Маленков, А. И. Микоян, М. Г. Первухин ва М. А. Суслов ўртоқлар бориб кўрдилар.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарларини Чехословакия Республикасининг СССРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси Я. Вошаглик, элчихона ходимлари, виставка директори И. Тауфер ва виставка ходимлари кутиб олдилар.

Л. М. Каганович, Г. М. Маленков, А. И. Микоян, М. Г. Первухин ва М. А. Суслов ўртоқлар виставкада икки соат бўлдилар, дўст чехословак халқи экономикаси ва маданиятининг муваффақиятларини кўрсатучи экспонатлар блан батафсил танишдилар. Виставка директори И. Тауфер экспонатлар тўғрисида изоҳ берди. (ТАСС).

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети шаҳар Совети депутатларига ма'лум қиладики, 1955 йил 29 август соат 19 да Давлат Ҳавфсизлиги Комитетининг клубида (Ленинград кўчаси) Тошкент шаҳар Советининг бешинчи сессияси чақирилади.

Сессияга депутатлик гувоҳномаси блан кирилади.

Депутатларни рўйхатга олиш клубда соат 18 дан бошланади.

Тошкент шаҳар ижроия комитети.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев Бухарестдан жўнаб кетди

БУХАРЕСТ, 26 август. (ТАСС). Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Н. С. Хрушчев бугун Бухарестдан жўнаб кетди. Н. С. Хрушчев Руминия фашист асоратидан озод қилинганлигининг 11 йиллиги байрами муносабати блан буерга келган эди. Пойтахтнинг неча минглаб меҳнаткашлари ўртоқ Н. С. Хрушчевни кузатиб қолиш учун миллий ва қизил байроқлар, плакатлар кўтаришиб, вокзал олдидаги майдонга тўпландилар. Бу плакатларга Руминиядаги ҳарбир меҳнаткашнинг қалбига яқин ва азиз бўлган шу сўзлар румин ва рус тилларида ёзилган эди:

«Руминия-Совет дўстлиги абадий яшасин!».

Вокзалда Н. С. Хрушчевни Руминия Халқ Республикаси Министрлар советининг раиси Г. Георгиу-Деж, Руминия Халқ Республикаси Буюк миллат мажлиси президиумининг раиси П. Гроза, Руминия ишчи партияси Марказий комитетининг биринчи секретари Г. Апостол, Министрлар совети раисининг биринчи ўринбосарлари И. Кишиневский, К. Стойка ва А. Могиорош, Министрлар совети раисининг ўринбосарлари М. Константинеску, Э. Боднараш ва П. Борила, Руминия ишчи партияси Марказий комитети Сиёсий бюросининг а'зоси К. Пирвулеску, Руминия ишчи партияси Марказий комитети Сиёсий бюроси а'золигига кандидат А. Дрэгич, Руминия ишчи партияси Марказий комитетининг секретари Я. Фазекаш, Руминия касаба союзлари Марказий советининг раиси С. Морару, министрлар, Руминия ишчи партияси Марказий комитетининг а'золари, Буюк миллат мажлиси президиумининг а'золари, «Мустаҳкам тинчлик учун, халқ демократияси учун!» газетасининг бош редактори М. Б. Митин ва бошқа кишилар кузатиб қолдилар.

Н. С. Хрушчевни СССРнинг Руминиядаги элчиси А. А. Епишев бошчилигида совет элчихонасининг бутун состави, Руминия Халқ Республикасидаги бошқа дипломатия ваколатхоналаринининг бошлиқлари ва а'золари, Руминия озодлиги куни байрами муносабати блан буерга келган халқ демократияси мамлакатларининг ҳукумат делегациялари, румин ва четэл журналистлари ҳам кузатиб қолдилар.

Вокзал Руминия Халқ Республикасининг ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари блан безатилган эди. Кузатиш вақтида фахрий қоровул қўйилди. СССР ва Руминия Халқ Республикасининг давлат гимнлари ижро этилди.

Н. С. Хрушчев Руминия ишчи партиясининг, Руминия ҳукумати ва давлатининг раҳбарлари блан, халқ-демократик мамлакатлари ҳукумат делегацияларининг бошлиқлари блан, дипломатия корпусининг а'золари блан ва ўзини кузатиб қолучи бошқа кишилар блан, пойтахтнинг неча минглаб меҳнаткашлари блан самимий хайрлашади. Бунга жавобан «ура» садолари ва табрик хитоблари янграйди:

«Яшасин СССР!»

«СССР — РХР!».

Пионерлар Н. С. Хрушчевга гулдасталар тақдим этдилар.

Мамлакат фашист босқинчилар зулмидан озод қилинган кунининг 11 йиллиги байрами муносабати блан Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Руминияда бўлиши румин ва совет халқлари ўртасида мустаҳкамланиб, юксалиб бораётган бузилмас дўстликнинг унутилмас ва ғоят завқли намойишига айланди.

Москвада Дрезден галереяси картиналари виставкасининг ёпилиши ва бу картиналарнинг ГДРга топширилиши

Дрезден галереяси картиналари виставкаси ёпилди ва бу картиналар Германия Демократик Республикасига топширилабошланди.

Тантанали актда қатнашиш учун Бош Министр Ўринбосари ва Ташқи Ишлар Министри Лотар Больц бошчилигида Германия Демократик Республикасининг Ҳукумат делегацияси, шунингдек ГДРнинг СССРдаги Элчиси Иоганнес Кениг келдилар.

Тасвирий сан'ат музейининг виставка ташкил этилган залларига совет жамоатчилигининг жуда кўп вакиллари, олимлар, сан'ат арбоблари тўпландилар. Булар орасида СССР Ташқи Ишлар Министрининг ўринбосари В. С. Семенов, СССР Маданият министрининг ўринбосарлари С. В. Кафтанов, В. С. Кеменов, РСФСР Маданият министри Т. М. Зуева, СССР Бадиий академиясининг президенти А. М. Герасимов, Совет рассомлари союзи ташкилот комитетининг раиси Б. В. Иогансон, Москвадаги элчихоналар ва миссияларнинг бошлиқлари, совет ва четэл матбуотининг мухбирлари бор эди.

СССР Маданият министрининг ўринбосари С. В. Кафтанов нутқ сўзлаб, ГДР Ҳукумат делегациясини ва ГДРнинг Москвадаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Иоганнес Кенигни самимий табриклади. С. В. Кафтанов айтдики, СССР Министрлар Совети совет ва герман халқлари ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш ва янада кучайтириш мақсадида Дрезден галереяси картиналарини Германия Демократик Республикаси ихтиёрига топширишга қарор қилди. Улуғ Ватан уруши даврида Германия территориясида жанглар давом этган пайтда бу картиналар Совет Армияси томонидан қутқазиб қолинган эди. Бу картиналар Совет Иттифоқида сақланмоқда.

Ўртоқ Кафтанов Дрезден галереяси картиналари виставкаси совет кишилари орасида жуда машҳур бўлиб қолганлигини, совет кишилари инсоният фахрланаётган классик сан'ат хазиналарига ғоят қизиқиб, уларни ҳурматлаётганлигини та'кидлади.

Тамошабинларнинг тўхтовсиз келиб туришига қарамай, музей заллари виставкага киришни хоҳлаган кишиларнинг бир қисминигина сиғдираолар эди. Уч ярим ой мобайнида бир миллион икки юз мингга яқин киши Дрезден галереяси виставкасини келиб кўрди.

СССР Маданият министрлиги Совет мамлакати меҳнаткашларини Дрезден галереяси бойликлари блан кенгроқ таништириш мақсадида тўла метражли рангли фильм тайёрлади ва бу фильмни яқин кунларда экранга чиқаради. Рангли репродукциялар альбомлари ҳам чиқарилади.

Сўнгра ўртоқ Кафтанов ГДР Ҳукумат делегацияси блан биргаликда картиналарни топшириш тартиби белгиланганлигини айтди. Совет Иттифоқи томонидан ГДРга топшириладиган биринчи картина улуғ немис рассоми Альбрехт Дюрернинг «Ёш йигит портрети» деган картинаси бўлади. Картиналар Москвадаги А. С. Пушкин номли Давлат бадиий сан'ат музейида топширилади. Дрезден галереясининг энг машҳур картиналари шу музейга қўйилган. Бундан ташқари, картиналар Киев шаҳридаги ғарб ва шарқ сан'ати давлат музейида ҳам топширилади. Унча машҳур бўлмаган авторлар ва мактабларнинг картиналари, Дрезден галереясидаги суратларнинг нусха ва копиялари шу музейга қўйилган.

Ана шу буюк қимматли картиналарнинг Германия Демократик Республикаси Ҳукуматига топширилиши, деб ўқтириб ўтди Ўртоқ Кафтанов, Совет Иттифоқи блан Германия халқлари ўртасидаги дўстлик мустаҳкамланиб бораётганлигини ёрқин исбот этади.

ГДР Ҳукумат делегациясининг бошлиғи Лотар Больц ўзининг жавоб нутқида Дрезден галереясининг хазиналари Совет Армияси томонидан қутқазиб қолинганлиги учун бутун немис халқининг самимий ташаккурини изҳор қилди.

Совет ҳукуматининг, — деди у, — картиналарни Германия Демократик Республикасига топшириш тўғрисида олижаноблик блан чиқарган қарори немис халқининг қалбини шод қилди. Германиянинг ҳар икки қисмида ана шу акт тўғрисида ўз шодлиги, ўз хурсандчилигини изҳор қилган кишилар беҳисобдир. Совет ҳукумати бу блан немис халқи блан Совет Иттифоқи халқи ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ишига жуда катта ҳисса қўшди.

Лотар Больц айтдики, Дрезден галереяси бирнеча авлод яшаган даврда жаҳон рассомчилигининг меросини ўрганишнинг энг муҳим жойларидан бири бўлиб келди. Галереядаги бениҳоя қимматли картиналарнинг Совет Армияси томонидан қутқазиб қолинганлиги социалистик Совет Иттифоқи гуманизмининг руҳини ифода этади. Бу гуманизм бошқа халқларнинг маданий бойликларини самимий ҳурмат қилиш блан характерланади. Яқинда Берлинда ва Дрезденда бу картиналарни кўрадиган кишилар совет халқининг ана шу картиналарни қутқазиб қолиш соҳасида кўрсатган қаҳрамонлиги ғоят катта аҳамиятга эга эканлигини ҳеҳқачон унутмайдилар.

Дрезден галереясидаги нодир асарларнинг немис халқига топширилиши тинчлик кучларига бўлган чуқур ишончни, Европада ва бутун дунёда тинчлик манфаатларини кўзлаб, халқаро кескинликни янада юмшатиш ва халқаро ҳамкорлик йўлидаги интилишларнинг тўла муваффақият қозонишига бўлган ишончни ифода этади. Бундан ташқари бу тадбир Совет Иттифоқи немис халқини ҳурмат қилаётганлигини ва немис халқининг тинчликни та'минлашга ёрдам берадиган ҳамда барча халқлар блан дўстона ҳамкорлик қилишга тайёр турган янги Германия вужудга келтириш йўлидаги ҳаракатларини Совет Иттифоқи ҳурмат қилаётганлигини кўрсатучи белгидир.

Германия Демократик Республикаси тинчлик ва халқлар ўртасидаги дўстлик сиёсатини амалга ошираётганлиги, — деди Л. Больц, — унинг совет халқларининг, шунингдек бошқа тинчликсевар халқларнинг ишончини қозонишига ёрдам берди. Герман милитаризмининг қайтадан тикланишига қарши, Германияни тинчликсеварлик ва демократик асосда бирлаштириш учун олиб бораётган курашимиз бу ишончни мустаҳкамлайди. Бугун Германия Демократик Республикаси Ҳукумати номидан шу гапларни айтишга рухсат этгайсиз: биз тинчликни сақлаш учун, Европада коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтириш учун ва ҳаётий муҳим миллий масалаларимизни тинч ва демократик йўл блан ҳал этиш учун олиб бораётган курашимизни бўшаштирмаймиз. Бугун Германия Демократик Республикаси Ҳукумати номидан шу гапларни айтишга рухсат этгайсиз: Биз Германия Демократик Республикасининг аҳолисигина эмас, балки, бутун немис халқининг ҳам Совет Иттифоқи блан дўстликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириши учун бутун кучимизни сарф қиламиз.

Биз чин қалбимиздан ташаккур изҳор қилаётган дўстлар бизнинг абадий дўстларимиздир!

Германия Демократик Республикасининг ва Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Давлат гимнлари янграйди.

СССР Маданият министрининг ўринбосари С. В. Кафтанов ГДР Ҳукумат делегацияси а'золарини ва Совет томони вакилларини картиналарни топшириш тартиби тўғрисида биргаликда тузилган протоколни имзолашга ва Дрезден галереяси хазиналаридан биринчи картинани немис халқига топшириш тўғрисидаги актни имзолашга таклиф этади. Фотоаппаратлар ишга солинади. Фоторепортерлар ва кинооператорлар ғоят дўстлик ва самимийлик вазиятида ўтган тантанали маросимни суратга оладилар. (ТАСС).

Ленинград тўқимачиларининг муваффақиятлари

ЛЕНИНГРАД, 25 август (ТАСС). Шаҳар тўқимачилари 8 ойлик программани бажардилар.

Корхоналарда КПССнинг XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақа қизиб кетди. «Октябрьская», Ногин номли, «Рабочий» фабрикаларининг, юпқа ва техника сукноларини ишлабчиқарадиган комбинатнинг коллективлари меҳнатда графиклдан ўтиб кетмоқдалар.

Киров номли ип йигирув комбинатида кўплаб ички резервлардан фойдаланилди. Цехларда меҳнат унумини оширишга ёрдам берадиган 30 дан ортиқ янгилик жорий қилинди. Йил бошидан бери корхона плондан ташқари 250 тоннадан зиёд калава ва олти миллиондан ортиқ ғалтак ип жўнатди.

ЎЗБЕКИСТОН СОВХОЗЛАРИ ҒАЛЛА ТАЙЁРЛАШ ПЛАНИНИ БАЖАРДИЛАР

Ўзбекистон ССР Совхозлар министрлигига қарашли совхозлар шу йил 27 августда давлат ғалла тайёрлаш планини муддатидан илгари 100,1 процент бажардилар.

Пахта терими бошланди

Уртачирчиқ районидаги Максим Горький номли колхоз а'золари районда биринчи бўлиб янги пахта ҳосилини теришга киришдилар. Колхозда 23 августдан 26 августгача 3704 килограмм пахта терилиб давлатга топширилди.

КПСС XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, ўз устларига янги мажбуриятлар олган ўртоқ З. Ғофуров бошлиқ звенонинг а'золари 26 август куни 1450 килограмм пахта тердилар. Теримчи ўртоқ Т. Холдибоева бир кунда 107 килограмм пахта терди. Шунингдек илғор теримчилардан Г. Арапова, С. Бегимқулова, Г. Бойҳабарова ўртоқларнинг ҳарбири бир кунда 90—100 килограммдан отбор ва биринчи сорт пахта тердилар. Илғор теримчилар кунданкунга меҳнат унумини оширмоқдалар. Колхознинг 2 ва 3-нчи бригада далаларида ҳам пахта терими бошланди.

У. ЙУЛДОШЕВ,

Уртачирчиқ район 1-нчи МТС партия ташкилотининг секретари.

КПСС XX С'ЕЗДИ ШАРАФИГА



Тошкентдаги автотрактородеталь заводининг коллективи КПСС XX с'езди шарафига социалистик мусобақани кучайтирмоқда. Заводнинг темирчилик-пресс цехининг илғор ишчиси А. Галиев ишлабчиқариш нормасини 250 процентга етказиб бажараётир. **Суратда:** ўртоқ **Галиев** иш устида.

В. Сироткин фотоси.

БЕШЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Тошкентдаги Октябрь райпромкомбинатининг коллективи КПССнинг XX с'езди шарафига социалистик мусобақани кучайтириб, аҳоли учун кўплаб уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқараётир.

Комбинат коллективи ишлабчиқаришдаги барча имкониятларни ишга солиб, давлат планларини ҳар доим ошириб бажармоқда.

Комбинатда технологик процессларни такомиллаштиришга катта аҳамият берилаётир. Масалан, илгари қўл кучи блан чеҳакларни букиш ишлари бажарилар эди. Ҳозир ана шу процесс механизациялаштирилгани натижасида меҳнат унуми кўтарилди ва унинг сифати яхшиланди.

Комбинат коллективи аҳоли учун янги уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқаришга ҳаракат қилиб, йил бошидан бери 6 хил янги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Алюминий ва туниқадан ҳархил идишлар ишлабчиқаришни аҳоли талабига мувофиқ кўпайтириш блан унинг сифати ҳам яхшиланмоқда. Шунинг учун ҳам ўтган 7 ой ичида биринчи сортли маҳсулот ишлаб чиқариш пландагидан 8 процент ортди.

Ишлабчиқариш процесси такомиллашаётгани ва социалистик мусобақанинг кучайтирилгани учун коллектив бешинчи бешйиллик программани бажаришга эришди.

ҒИШТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЎПАЙМОҚДА

Сталин номли Чирчиқ электрохимия комбинати капитал-қурилиш бошқармасига қарашли ғишт заводининг ишчилари ва мастер ходимлари КПСС XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, кўплаб а'ло сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Завод ишчилари ички резервлардан унумли фойдаланишлари ва ба'зи ишларни такомиллаштиришлари натижасида ғишт ишлаб чиқаришни бу йил ўтган йилнинг шу вақтидагига нисбатан 40 процент оширдилар.

Корхонада етти ойлик план ошиғи блан бажарилди. Пландан ташқари 400 минг дона ғишт ишлаб чиқарилди.

Завод коллективи КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорини ўрганиб чиққанларидан сўнг меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган қатор тадбирларни белгилаб чиқдилар. Завод коллективи бешйиллик ва йиллик топшириқни муддатидан илгари бажариш ҳамда плондан ташқари 1 миллион дона ғишт ишлаб чиқариш учун астойдил ишламоқда.

В. ПРИШЧЕПА.

МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРМОҚДАЛАР

Тошкентдаги тикув фабрикасининг меҳнатсевар коллективи КПСС Марказий Комитет июль Пленуми қарорларини қизғин муҳокама қилиб чиқди. Корхона ишчилари ва инженер-техник ходимлари Пленум қарорига жавобан мавжуд резервлардан унумли фойдаланиб етти ойлик планни муддатидан илгари бажардилар ва плондан ташқари бирқанча минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар.

Фабрикада ўзаро социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилган. Мусобақа илғорларидан Шокирова, Акбархўжаева, Расулева ва Бойбекова ўртоқлар бешйиллик планни муддатилан илгари бажариб, ҳозир 1956—1957 йиллар ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар. Шу кунларда фабрика коллективи КПСС XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, йиллик ва бешйиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш ва плондан ташқари аҳолига 13 минг сўмлик кийимкечак тайёрлаб бериш учун ғайратга-ғайрат қўшиб ишламоқда.

З. МУХАММАДЖОНОВ.

КПСС XX с'езди шарафига социалистик мусобақани янада кучайтирайлик

Белоён мамлакатимизнинг фабрика ва заводларида, шахта ва рудникларида, совхоз ва колхозларида КПСС XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақа тобора кенг қулоч ёймоқда.

Тошкент шаҳар саноати ва транспортининг коллективлари партия с'ездини ишлабчиқаришда муносиб меҳнат совғалари блан кутиб олиш мақсадида ўз зиммаларига янги, оширилган социалистик мажбурият олдилар. Тошкент саноати ва транспорти ходимларининг умумшаҳар йиғилиши КПСС XX с'езди шарафига социалистик мусобақани янада кучайтириб юбориш, 1955 йил ялпи маҳсулот ишлабчиқариш давлат планини 15 декабрьгача бажариш ва қўшимча равишда бирнеча миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлабчиқаришга янги техника ва илғор технологияни кенг жорий этиш ҳақида қарор қабул қилди.

М. Горький номидаги маданият ва истироҳат паркида 25 августда Тошкент саноати ва транспорти илғорларининг умумшаҳар йиғилиши бўлди. 5000 га яқин ишчи, мастер, инженер-техник ходим ва хизматчи КПСС Марказий Комитети июль Пленуми якунларини муҳокама қилиш, пойтахт саноат корхоналарини янада юксалтириш, техника прогресси ва ишлабчиқаришни ташкил этишни янада яхшилаш соҳасидаги вазифаларни аниқлаш учун йиғилди.

Шаҳар партия комитетининг секретари Ўртоқ Нуриддинов доклад қилди.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққанлар маҳаллий корхоналар ишини чуқур анализ қилдилар, уларнинг фаолиятидаги камчиликларни очиб ташладилар, ишлабчиқаришдаги ички резервлардан фойдаланишда илғорларнинг тажрибаларини муҳокама қилиб, КПСС XX с"езди шарафига янги мажбурият қабул қилдилар. Уюштирилган виставка кенгаш қатнашчиларини жуда қизиқтирди. Парк аллеяларидаги стендларда Тошкент корхоналари ўзлаштирган янги маҳсулотлар, новаторлар яратган мослама ва асбоблар ҳамда ишлабчиқаришнинг юксалишини кўрсатучи ҳужжатлар намойиш қилинди.

МУСОБАҚАДА ЯНГИЛИК КУРТАКЛАРИ

Партия XX с'езди шарафига бошланган умумҳалқ мусобақаси янги ҳусусиятлар блан бойитилди. Кенгаш қатнашчилари шуни та'кидлаб ўтдиларки, Тошкент корхоналари коллективларининг мажбуриятларида давлат планларини муддатидан олдин бажариш, сифат кўрсаткичларини яхшилаш тўғрисида қайғириш блан бирга янги куртак қизил индек тизилиб ўтади. Бу куртак — ишлабчиқаришнинг техника даражасини ҳар томонлама кўтариш, техника прогресси сур'атини кескин даражада тезлаштириш тўғрисида бутун халқнинг қайғиришидир.

Қабул қилинган мажбуриятларга янги техникани ва илғор технологияни жорий қилиш, ишлабчиқаришни механизациялаш ва автоматлаштиришга қаратилган тадбирларни киритиш тўғрисида «Таштекстильмаш» заводининг лекальщик-слесари Титов, «Под'ёмник» заводининг бош инженери Черепанов ва бошқа Ўртоқлар гапирдилар. «Под'ёмник» заводида ускуналарни юқори режимга кўчириш ва уларни модернизация қилиш тадбирлари белгиланган.

Тошкент машинасозлари олимлар ва конструкторлар блан ҳамкорликда халқ хўжалигининг турли соҳалари учун янги техника — янги кўтарма кранлар, йиғирув машиналари, компрессорлар, қишлоқ хўжалик машиналари ва бошқа жуда кўп хил механизмлар яратмоқдалар ҳамда уларни ишлабчиқаришни ўзлаштирмоқдалар.

Шаҳарда 7 ойлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш плани 104,1 процент қилиб бажарилди. Ишлабчиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу муддатидагига нисбатан 7,2 процент ортди. Аммо, кенгашда та'кидлаб ўтилганидек, бу натижалар Тошкент корхоналари имкониятини ҳисобга олганда қониқарли эмас.

Тошкентдаги завод, фабрика, қурилиш ташкилотлари ва транспорт сўнгги вақтларда янги ишлабчиқариш майдонларига эга бўлди, янги ускуналар блан қуролланди, уларнинг энергия блан та'минланиш даражаси ортди. Кадрларнинг маданий-техник савияси ошди. Лекин ҳамма гап шундаки, манашу бой имкониятлар ҳамавақт ҳам етарли даражада фойдаланилмаётир.

Сўнгги йилларда «Ташкенткабель» заводи давлатдан ўн миллионларча сўм миқдорида ёрдам олди. Лекин завод ма'муриятининг (директори Ўртоқ Сафонов) ва партия ташкилоти (секретари Ўртоқ Павлий) ишлабчиқаришга бўш раҳбарлик қилмоқдалар, улар коллективни қийинчиликларни енгишга сафарбар қилаолмаётирлар, ба'зан эса ишда элементар тартибларни ўрнатишнинг ҳам уддасидан чиқаолмаётирлар. Айрим цехларда асбоб-ускуналар бекор туриб қолмоқда.

Иккинчи пойафзал фабрикасининг ишчиси Ўртоқ Раҳмонов фабрикада ускуналардан фойдаланишда йўл қўйилаётган жиддий камчиликлар тўғрисида гапирди. Фабрикада кўпгина янги техника ўрнатилган, лекин уларнинг ҳаммаси ҳам тўла қувват блан ишлаётгани йўқ.

ЯНГИ ТЕХНИКА ВА ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯГА КЕНГ ЙЎЛ

Ҳарбир технологик янгиликни ишлабчиқаришни умуман ташкил этиш масалалари блан мустаҳкам алоқада олиб қараш керак.

Янги техникани комплекс равишда жорий қилишни «Ташсельмаш» заводи иш тажрибасида кўриш мумкин.

Ҳозир «Ташсельмаш» заводида ишлабчиқаришнинг юксалтиришни орқага сураётган қийин участкалар анчагина бор.

Шаҳардаги кўпгина корхоналарнинг раҳбарлари оғир ва кўп меҳнат талаб этадиган ишларни механизациялашга етарли э'тибор бермаётирлар. «Узбексельмаш» заводида ишчилар оғир штамплларни қўлда ташийдилар. Ваҳоланки, транспорт операцияларини аллақачон механизациялаштириш мумкин эди. Электротехника заводида қўл блан бажариладиган операциялар 68 процентни ташкил этади.

Новаторларнинг фаолиятига кун сайин раҳбарлик қилиш, рационализатор ва ихтиро'чиларнинг ижодий фикрини ишлабчиқаришнинг асосий масалаларини ҳал қилишга қаратмоқ лозим.

«Таштекстильмаш» заводи 5-нчи механика цехининг слесари Ўртоқ Титов корхона техника советининг тажрибалари ҳақида гапириб берди.

5-нчи цехнинг техника советида ўн ишчи, шунингдек мастер, технолог ва инженерлар қатнашдилар. Техника совети бир йил ва алоҳида ойлар учун ташкилий-техника тадбирларни белгилайди ва уларнинг амалга оширилишини текшириб боради. Совет новаторлар блан ҳамкорликда иш олиб боради. Техника советида рационализаторларнинг таклифлари муҳокама қилинади, агарда бирорта таклифда айрим камчиликлар аниқланса, уларни тугатиш ва таклифни янада такомиллаштириш ҳақида ғамхўрлик қилинади.

МАШИНАЛАР КОНСТРУКЦИЯСИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛСИН

Тошкент заводлари машинасозлик, транспорт, тўқимачилик, пахта тозалаш саноатлари, колхоз, МТС ва совхозларни янги техника блан та'минламоқда. Бу соҳада айрим муваффақиятлар қўлга киритилган. «Под'ёмник» заводининг бош инженери Ўртоқ Черепанов кўтарма кранларнинг айрим узелларини қандай такомиллаштирилганлиги ҳақида сўзлаб берди. Заводда кранларнинг муфталари, юқори ва пастки блокларнинг узеллари ва барабанлари топширишни орқага сурмоқда. Тор конструкциясига киритилган бу ўзгартишлар кранларнинг сифатини яхшилади, таннархини камайтирди, кўплаб металл иқтисод қилиш имконини берди.

Броқ, умуман Тошкент машинасозлари халқ хўжалигининг барча соҳаларида техника прогресси учун кураш вазифасини кўнгилдагидек бажараётганлари йўқ. Бу соҳада «Таштекстильмаш» заводи ва унинг ҳузурида ташкил этилган маҳсус конструкторлик бюроси ўз имкониятларидан ёмон фойдаланмоқда. Бирнеча йиллардан бери завод ҳам, конструкторлик бюроси ҳам тўқимачилик ва кабель саноати учун янги машиналар яратиш ҳамда уларни ишлаб чиқариш планини бажармаётирлар.

Пахтачилик юзасидан давлат маҳсус конструкторлик бюроси, «Узбексельмаш» ва «Ташсельмаш» заводларида қишлоқ хўжалиги учун янги техника яратиш ва уни ишлаб чиқариш суст бораётганлиги айтиб ўтилди. ГСКБ янги конструкцияларни тайёрлашни кечиктирмоқда, техника ҳужжатларини топширишни орқага сурмоқда.

Янги техникани ўзлаштириш ва ишлабчиқаришни ташкил этишни яхшилашда саноат корхоналарига илмий муассасалар яқиндан ёрдам беришлари керак. Йиғилишда айрим корхоналар блан илмий муассасалар ўртасидаги ижодий ҳамкорлик яхши йўлга қўйилганлиги ҳақида гапириб ўтилди. Тўқимачилик институти директорининг ўринбосари Ўртоқ Осипов институт ходимларининг тўқимачилик саноатининг ҳамма соҳаларини такомиллаштиришда актив иштирок этиб келаётганликлари ҳақида сўзлаб берди.

Броқ, умуман олганда Тошкентдаги илмий-текшириш муассасалари корхоналар блан мустаҳкам алоқа боғламаганлар. Жумладан, Узбекистон ССР Фанлар академиясининг химия институти практикларга қўйилмаларни қобиқли формага қўйиш методини ўзлаштиришда ёрдам бермадилар. Ўрта Осиё политехника институти ишлабчиқариш блан систематик равишда алоқа қилиб турмайди.

Меҳнатни тўғри нормаллаштириш ва маош тўлаш тартибини системага солиш меҳнат унумдорлигини оширишда катта роль ўйнайдиган фактордир, Шаҳардаги қатор корхоналарда эскириб кетган, тажриба статистика нормасининг шу пайтгача қўлланилиб келаётганлиги ишлабчиқаришни ўюштиришга етарли э'тибор берилмаётганлигининг далилидир.

«Ташсельмаш» заводининг технологи Ўртоқ Абрамов илғорлар тажрибасини оммалаштириш ва ишчиларнинг малакасини ошириш йўллари тўғрисида сўзлади. Заводнинг асбобсозлик цехида слесарьларнинг малакасини оширишга эҳтиёж сезилди. Шунда ишчиларни энг яхши слесарь Ўртоқ Куликовнинг иш методи блан таништирилди. Бу ишни мастер Кончан бажарди. У, новаторнинг иш методларини диққат блан ўрганиб чиқди, унинг ишидаги энг қимматли янгиликларни бошқа ишчиларга ўргатди. Ҳозир кўпгина слесарьлар Куликов методини қўллаяпмоқда.

ДАВЛАТ ПЛАНИ — ҚОНУН

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми давлат планининг ҳарбир корхонада маҳсулотнинг белгиланган тури ва ассортименти бўйича ва техника-иқтисодий кўрсаткичлар юзасидан сўзсиз бажарилишини та'минлашни талаб қилди.

Тошкентда давлат планларини бажариб келаётган корхоналар блан бир қаторда давлат олдида қарздор бўлиб қолаётган 20 га яқин завод ва фабрика бордир. «Ташкенткабел», электротехника заводлари, «Ўр тоқ» кондитер фабрикаси ва бошқалар шулар жумласидандир. Бирнеча корхоналар маҳсулотнинг тури бўйича топшириқни бажармаётирлар. Ильич номли заводда, пайпоқ-трикотаж ва «Қизил тонг» фабрикаларида, лак-бўёқ ва карборунд заводларида аҳвол шундай. Бу ҳол бир-бирига боғлиқ бўлган корхоналарнинг ишига катта зарар етказмоқда.

Давлат ва технология интизомини бузиш қандай ҳунук оқибатларга олиб келишини электротехника заводи мисолида кўриш мумкин. Бу завод давлат планини систематик равишда бажармай келади, 72 корхонага аппаратура етказиб бериш графигини бузди. Техника-иқтисодий кўрсаткичлар планини бажармади Завод раҳбарлари коллективнинг ишлабчиқаришни яхшилаш тадбирлари тўғрисидаги таклифларини э'тиборга олмадилар. Завод директори Ўртоқ Исмоилов ва бош инженер Ўртоқ Дьячков шунинг учун ишдан олинди.

МЕҲНАТДА ИЖОДИЙ ТАШАББУСКОРЛИКНИ ОШИРАЙЛИК

Саноатни янада юксалтириш учун кураш да социалистик мусобақа ҳал қилучи роль ўйнайди. Тошкентли минглаб ишчилар ҳозирнинг ўзида йиллик ва бешйиллик планларини бажариб қўйдилар. Музокарада сўзлаганлар нутқида ва виставка стендларида кўпгина ишлабчиқариш новаторларининг иши кўрсатилди. «Под'ёмник» заводининг мастери У. Зоиров детальлар қуйиш усулини такомиллаштирди. Радиодеталь заводининг наладчиги Михаил Бернов 200 минг сўм маблағни тежаб қолишга имкон берган бешта рационализаторлик таклифининг авторидир. «Ташкенткабель» заводининг электриги Павел Токарев прокат станидаги бирқанча процессларни автоматлаштирди. Сталин номли тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси Салди Нўлатова маҳсулотнинг деярли ҳаммасини биринчи сортга топширмоқда. Машинист Эрматов кўпинча оғир юкли поездлар бошқармоқда.

Броқ, қўлга киритилган ютуқлар қанчалик катта бўлмасин, у блан чекланиб қолиш ярамайди. Буни Тошкент тўқимачилик комбинати тажрибасида ҳам кўриш мумкин. Комбинат бошқармаси умумий ўрта кўрсаткичлар блан қаноатланиб қолиб, алоҳида цех ва комплектлар ишини назардан четда қолдирди. Агар биринчи тўқувчилик фабрикасини иккинчи фабрика даражасига етказиб олинса, тўқима ишлаб чиқариш 1200 минг метр кўпаяди.

«Узбексельмаш» заводи, пайпоқ-трикотаж фабрикаси ва бошқа ба'зи корхоналарда мусобақа натижаларини текшириб ва э'лон қилиб бориш, олинган мажбуриятларнинг бажарилишини контроль қилиб туриш, ўзаро тажриба алмашиш каби социалистик мусобақанинг асосий шартларини унутиб қўйганлар.

Маҳсулот сифатининг юксак бўлиши учун курашни ташкилий-техникавий тадбирларни амалга ошириш блан боғлаб олиб бориш тўғрисида иккинчи пойафзал фабрикасининг ишчиси Раҳмонов сўзлаб берди. Бу ерда маҳсулот сифатига ҳамма контрольлик қилади. Ишчи яримфабрикатни олгач, уни ишлашга киришмасдан олдин синчиклаб текшириб чиқади. Агар брак бўлса, уни тузатиш учун бузган кишига қайтариб беради. Бир ерда брак кўп такрорланаверса унинг сабаблари ишлабчиқариш кенгашида муҳокама қилинади ва бу камчиликни тугатишга қаратилган конкрет тадбирлар белгиланади.

Кенгашда кўрсатиб ўтилдики, завод ва фабрикалар ўртасидаги мусобақа якунлари асосан кўрсаттичларни солиштириш блан чекланади, илғор корхоналарнинг тажрибаси чуқур анализ қилинмайди ва у, ҳамманинг мулкига айлантирилмайди.

Партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари Коммунистик партия ва Совет ҳукумати томонидан қўйилган вазифаларни бажаришда омманинг ҳаракатини бошқаришлари, саноатда юзага келаётган ҳарбир қимматли янгиликни қўллаб-қувватлашлари ҳамда социалистик мусобақани кучайтириб юборишлари лозим.

Йиғилиш қатнашчилари партия XX с'езди шарафига янги мажбуриятларни қабул қилдилар. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик планини 15 декабрьга бажариш, маҳсулотнинг сифатини янада яхшилаш ва таннархини камайтиришга аҳд қилинди.

Йиғилиш Тошкентдаги барча саноат ва транспорт ходимларини КПСС XX с'езди шарафига социалистик мусобақани ҳар томонлама қизитиб юборишга чақирди.

★ ★

Суратда: шаҳар саноати ва транспорти илғорларининг умумшаҳар йиғилишида.

Б. Мазур фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

Ғўза парваришини пахта йиғим-теримига тайёргарлик блан боғлаб олиб борайлик

* *

Агроном маслаҳати блан

Оржоникидзе районидаги Хрушчев номли колхознинг **М. Шерматов** бошлиқ звено а'золари ғўзани қат'ий графиккa мувофиқ парвариш қилмоқдалар. **Суратда:** (чапдан) **М. Шерматов**, бригада бошлиғи **Х. Мирзааличева**, колхоз а'зоси **А. Назиров** Ўртоқлар ғўзаларни кўздан кечирмоқдалар.

Қ. Розиқов фотосн.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

Чиноз районидаги Сталин номли колхознинг меҳнатсевар а'золари шу кунларда ҳосилга-ҳосил қўшиш учун қизғин курашмоқдалар. Колхоз а'золари бу йил 1159 гектар ернинг ҳар гектаридан 31 центнердан ҳосил олишни мўлжалламоқдалар.

Колхознинг Орифота Алибоев бошлиқ бригада а'золари 101 гектар ернинг ҳаммасидан мўл ҳосил олиш учун курашиб ҳозиргача ғўзаларни 6 марта культивация қилиб, беш чопиқдан чиқардилар ҳамда уч марта озиқлантириб, ўз вақтида суғордилар. Натижада ғўзалар яхши ривожланиб эрта ҳосилга кирди. Ҳозир ҳар туп ғўзада 10 — 11 тадан бўлиқ кўсак бор.

Бригаданинг ҳар гектар ердан камида 35 центнердан пахта ҳосили олиш учун курашаётган Рисбой Очилов, Йўлдош Кўшвақтов, Мурод Бекназаров, Обил Қодиров ва Баҳром Эшонқулов ўртоқлар бошлиқ звеноларида ғўзалар жуда яхши ривожланган. Бу звено а'золари ҳозир оширилган мажбуриятларни олдилар.

Ҳақиқатан ҳам бу илғор звеноларнинг ғўзалари талабга мувофиқ парвариш қилинганлиги орқасида мўлжалдагидан анча кўп ҳосил олиш аниқ бўлиб қолди.

Колхознинг ҳар гектар ердан 32 — 33 — 37 центнердан ҳосил олиш учун курашаётган Худайберди Юсупов, Тошпўлат Бўриев, Жўрабой Эргашев ва Ҳайдар Жойнақов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳам ғўза парвариши тўхтовсиз давом этмоқда. Ҳозир колхозда ғўзалар барги орқали озиқлантирилиб, табақалаштирилган ҳолда суғорилмоқда.

— Шу кунларда ғўзаларни суғориш, — дейди давлат агрономи Ўртоқ Азиз Абдуллаев, — жуда катта аҳамиятга эга. Ҳозирги пайтда ғўзалар асосан ҳосил тўплаш даврида. Шунга кўра ғўзага сув орқали озиқа моддалари кўпроқ сингдирилиши керак. Ғўзаларнинг аҳволига ва тупроқ шароитига қараб табақалаштирилган ҳолда суғориш зарур.

Агроном маслаҳати блан иш юритаётган сувчилар ғўзани агротехника қоидаларига мувофиқ суғормоқдалар. Масалан, сувчи Мурод Бекназаров шундай қилмоқда. Колхоз правлениесининг раиси Мун Ден Нен ва партия ташкилотининг секретари Р. Муротов Ўртоқлар — ғўзаларнинг сифатли суғорилиши устидан яхши назорат қилиб бормоқдалар. Улар сувдан тўла фойдаланиш ва ғўзани кечаю-кундуз суғориш учун ишни график асосида ташкил этдилар.

Суғоришдан кейин ер етилиши блан колхоз а'золари культивация-чопиқ қилиб, ғўзаларни бегона ўтлардан тозаламоқдалар. Культивация қилишда МТСнинг Иван Шейко бошлиқ трактор бригадасининг Норбой Умаров ва Зокир Очилов ўртоқлар каби илғор универсалчилари катта ёрдам бераётирлар.

З. ОТАХОНОВ.

Моҳир пахтакор бошлиқ бригадада

Гулистон районидаги Хрушчев номли колхознинг «Родина» участкасида, кўп йиллардан буён бригада бошлиғи бўлиб ишлаб келаётган Абдиазим Йўлдашев ҳар йили ҳам мўл ҳосил етиштириш учун астойдил курашиб, пахта планини ортиғи блан бажариб келмоқда.

Бригада а'золари ўтган йили ҳам янги очилган 80 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 22 центнердан пахта ҳосили олиб, йиллик планни 117 процент бажарган эди.

Бу йил бригада а'золари 130 гектар пахта майдонига эга бўлиб, ҳар гектардан пландаги 19,5 центнер ўрнига 30 центнердан пахта етиштириш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Бригаданинг Хурсан Каримова, Майрам Сидиғяева, Умри Қодирова каби а'золари фидокорона ишлаб, ҳозирги ҳосилга-ҳосил қўшиш ойида, кундалик нормаларини 2—2,5 баробардан бажараётирлар. Бригаданинг комсомол сувчиларидан Абдужаббор Сатторов, Абдукарим Йўлдошев ўртоқлар илғор сувчилар тажрибасидан фойдаланиб, ҳар куни 1,5 — 2 гектар майдондаги ғўзани суғармоқда.

— Биз юқори агротехника қоидалари ва илғор пахтакорларимизнинг тажрибаларига асосланиб, — дейди Абдужаббор Йўлдошев — ер шароитига қараб суғориб, ғўзаларимизнинг бир текис ривожланишига эришаётирмиз.

Ҳозир бригада а'золари пахта йиғим-теримига тайёргарликни ҳам бошлаб юборди лар.

Р. ТОЖИЕВ.

40 центнердан ҳосил олиш учун

Мирзачўл районидаги «Ленинизм» колхозининг Ўртоқ Хўжамқулов бошлиқ бригада а'золари бу йил янгидан очилган 85 гектар ерда пахта етиштирмоқдалар. Колхозчилар тажрибакор пахтакор раҳбарлигида ишлаб, янги ердаги дала ишларини намунали қилиб уюштирдилар. Улар «янги ернинг тилини билиб олгунча шошилмасдан иш қилайлик» деган баҳаёл мулоҳазага бориб турмадилар. Аксинча МТС техникаси ёрдами блан янги ерни экишбон қилиш учун ирригация-мелиорация тадбирларини тўла амалга оширдилар. Ерни қунт блан тайёрлаб дадиллик блан чигит экдилар. Колхоз правлениеси Ўртоқ Хўжамқулов бошчилигидаги бригадага қўшимча 15 кишини бириктириб берди. Натижада ғўза ўз вақтида қунт блан яхши парвариш қилинди.

Яқинда агрономлар Ўртоқ Хўжамқулов бригадасининг ғўзаларини текшириб чиқиб, ҳар гектар ердан камида 35 центнердан ҳосил олиш мумкинлигини аниқладилар. Бригада а'золари ғўза парваришини пахта теримигача давом этдириб, ҳар гектар янги ердан 40 центнердан пахта етиштиришга қарор қилдилар.

Ғ. ХАЛИМОВ.

Пахта йиғим-теримига пухта тайёрланилмоқда

Ўртачирчиқ районидаги илғор «Ленин йўли» колхозининг правлениеси пахта йиғим-теримга пухта тайёргарлик кўраётир. Хирмонлар қуришга айниқса катта э'тибор берилмоқда. Ҳозирданоқ 14 та марказий, 28 та дала хирмонлари қурилди, 44 катта, 19 та майда тарози ремонтдан чиқарилиб, бригадаларга юборилди. 650 та қанор, 450 та этак тайёрлаб қўйилди. 54 арава, 10 автокачка, 6 автомашина ремонтдан чиқарилди. 35 от боқувга қўйилди.

Колхозда пахта теримини ўтказиш плани ва графиклар ишланиб чиқилди. Колхоз правлениеси тузган махсус комиссия хуласасига биноан шу ой охирида қир зонасидаги барча бригадаларда пахта териш бошланади.

Теримчиларга далада моддий-маиший шароит туғдириш тадбирлари ишлаб чиқилди. Дала шийпонлари ремонт қилиниб бўлди. Кўчма ясли, боқчалар ташкил этилаётир.

Колхозда 5—7—10 минг килограммчилар ҳаракати бу йил янада кучайтирилади. Бу тўғрида колхоз партия ташкилоти кенг тушинтириш ишлари олиб бормоқда.

Т. ЙЎЛДОШЕВ.

Район газеталари саҳифаларидан

Пахта йиғим-теримига атрофлича тайёрланайлик

Эрта кўкламдан бошлаб қилган меҳнатимиз самараларини якунлашга саноқли кунлар қолди. Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Узбекистон ССР Министрлар Совети ва Узбекистон КП Марказий Комитетининг Мактубига амалий иш блан жавоб бераётган ўн минглаб колхозчиларимиз ғўза парваришини тобора кучайтириб, ҳосилга-ҳосил қўйишни давом этдирмоқдалар.

Ҳосилнинг тақдири ҳал қилинаётган ҳозирги кунларда ҳарбир кун, ҳарбир соат ганиматдир. Айниқса паст ва ҳосил тугунчалари кам бўлган ғўзаларга кўпроқ ишлов бериб, уларни кўпкўсакли ғўзалар қаторига етказиб олиш ғоят катта аҳамиятга эгадир.

Пискент районидаги Ворошилов номли, Молотов номли ва бошқа бирқатор колхозларнинг а'золари ғўзага ишлов беришни қизғин давом этдирмоқдалар. Бу колхозлардаги кўпгина бригадаларда ҳосилга-ҳосил қўйиш ойлиги муваффақиятли ўтиши блан бирқаторда пахта теримига тайёрлик ишлари ҳам қизғин тус олди. Ворошилов номли колхознинг Ўртоқ Суюнов бошлиқ бригадасида пахта тўкиш хирмонлари, тош-тарозу ва аравалар ремонт қилиниб, иш ҳайвонлари боқувга қўйилди. Баҳри Суюнова, Рисбиби Рустахова каби ўнминг-килограммчи чевар теримчилар пахта териш учун қоп-қанор, этакларни тайёрлаб қўйдилар.

Район **«Пахта учун кураш»** газетасининг ёзишича, ҳали райондаги кўпчилик колхозларда пахта теримига тайёргарлик кўриш ғўза парвариши блан боғланган ҳолда олиб борилмаётир. Газета ўзининг «Пахта йиғим-теримига атрофлича тайёрланайлик» деган бошмақоласида бу соҳада етарли иш қилмаётган айрим колхоз раҳбарларини қаттиқ танқид остига олади.

Андреев номли, Шверник номли колхозларда ҳосилга-ҳосил қўйиш ойлиги суст ўтаётгани устига йиғим-теримга тайёргарлик кўриш ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Колхоз раислари Омонтоев, Йўлдошев ўртоқлар, партия ташкилотларининг секретарьлари Усмонов, Назаров ўртоқлар йиғим-терим ҳақида кўп гапирсалар ҳам, амалда бу ишга бошчилик қилмаётирлар. Айниқса қоп-қанор, тош-тарозу тайёрлаш ишлари ёмон аҳволда. Бундай бегамлик кайфиятларини райондаги бошқа колхозларда ҳам кўплаб учратиш мумкин.

«Пахта теримига яқин қолган шу кунларда, — деб ёзади газета, — колхоз правлениелари ва бошланғич партия ташкилотлари бригада ва звеноларда дала шийпонларини, хирмонларни тахт қилиб, машина блан пахта теридиган карталарнинг атрофини механизмларнинг юриши учун ҳозирлаб қўйишлари, илғор теримчилар рўйхатини аниқлаб, график асосида ишни ташкил этиш учун қўл тарозилари блан бригадаларни та'минлаб қўйишлари кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан биридир».

Қуриқ гап ўрнига кўпроқ иш бўлсин

Яқинда Ўртачирчиқ район ижроия комитети Пахтаобод қишлоқ Советининг раиси Ўртоқ Отаматовнинг ҳисобини эшитди. Шу ҳақда район **«Мўл ҳосил учун»** газетаси бундай деб ёзади:

«Ўртоқ Отаматов бир соатдан ошиқроқ вақтни бекорга қуруқ гап сотиш блан ўтказди. У, сўзни колхоз жамоат чорвачилигидан бошлаб, ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларига ишлов беришнинг аҳволини айтиш блан тугаллади. Аммо депутатлар блан ишлаш, доимий комиссияларнинг иши ва қишлоқ Советининг бошқа ишлари ҳақида бир оғиз гап айтмади. Ўртоқ Отаматовнинг қишлоқ Советининг асосий иши нимадан иборат, деб берилган саволга «Юқорида айтиб ўтдим-ку» деб бўзрайиб туриб олиши янада қизиқроқ бўлиб тушди».

Ўртоқ Отаматов ўзига юклатилган асосий вазифани шараф блан бажаришни унутиб қўйган, омма блан мустаҳкам алоқа боғлаган ҳолда, депутатларнинг яқиндан кўрсатган ёрдамлари асосида ўз ишини қайта қурмаган. У депутатлар блан ишламай қўйган, ўз сайловчиларининг наказини унутиб юборган. Шу туфайли ҳам қишлоқ Советига меҳнаткашлардан тушган 42 аризадан 30 таси чала текширилиб, қолгани эса 7 ойдан бери Отаматовнинг столида чанг босиб ётибди.

Отаматовнинг фаолиятсизлиги туфайли қишлоқ Советининг сессия ва мажлислари белгиланган вақтда ўтказилмай қолмоқда, ўтаётган сессия, мажлисларнинг савияси паст бўлиб, кўп депутатларга сессиянинг бўлиш муддатлари ҳақидан хабар қилиб қўйилмайди. Қишлоқ Советининг 5 доимий комиссияси бор. Лекин улар ҳалигача иш планига эга эмас, ҳатто кейинги 6 ой ичида бironта доимий комиссия депутатлар блан йиғилиш ўтказмаган. Қишлоқ Советининг биноси кўп вақт қулф турди.

Депутат — халқ хизматкори. У халқ ишончига яраша садоқат блан ишлаши керак, у социалистик колхоз қишлоғини обод қилишда, шифохона ва мактаблар қуришда, йўл қурилиши ишларини яхшилашда сайловчиларнинг наказлари асосида ишлаши лозим. Ана шундагина депутат сайловчиларнинг ҳурматига сазовор бўлади.

Артель Уставини бузмоқдалар

«Ленинизм» колхозининг раиси А. Тиллаев кейинги вақтда колхознинг оғилда боқилаётган сигирлари олдига тез-тез борадиган бўлиб қолди. Аммо Тиллаев сигирлар олдига борганда ҳам ўзининг колхоз сигирларига қўшиб боқилаётган 2 сигирини кўздан кечириш, уларнинг қандай озуқа блан боқилиб, парвариш қилинаётганлигидан ҳабар олиш учун боради. Раис ўз сигирларини колхоз мулки ҳисобига семиртириб олишга, уларнинг серсут, серқаймоқ бўлишига эришди.

Сирдар'ё районида чиқаётган **«Қизил юлдуз»** газетасининг кейинги 96-нчи сонида «Қўли текканнинг оғзи тегар» сарлавҳали ҳабарда районда колхоз раиси Тиллаевга ўхшаган шахслар яна борлиги та'кидланиб ўтилади. Ильич номли колхознинг раиси М. Лапенко ҳам ўзининг бир бош хўкизини колхознинг соғин сигирлари ёнига боғлаб алоҳида боқдирмоқда.

Ўз мансабидан фойдаланиб, қишлоқ хўжалиқ артели Уставини қўпол равишда бузиб, колхоз ҳисобига шахсий молларини семиртираётган бундай колхоз раисларининг ҳунуки ишидан Сирдар'ё район ижроия комитетидаги ўртоқлар ҳабардормикан?

СОВЕТ ШАХТЁРЛАРИГА ШОН-ШАРАФЛАР БЎЛСИН!

★ ★ ★ ★ ★ ★

Мамлакатга кўпроқ кўмир етказиб берамиз

Ма'лумки, республикада илгари кўмир саноати йўқ эди. Коммунистик партиянинг доно сиёсати, улуғ рус халқининг оғаларча ёрдами туфайли республикамизда ҳам кўмир саноати вужудга келтирилди ва у, тез сур'атлар блан ривожланмоқда.

Улуғ Ватан уруши йилларида ишга туширилган Оҳангарон кўмир ҳавзаси республикамизнигина эмас, балки бутун Ўрта Осиё республикаларини ҳам арзон маҳаллий ёқилғи блан та'минламоқда.

Қисқа вақт ичида кон саноати блан бирга кончилар шаҳри ҳам ўсиб, камолатга етди. Бу ерда янги-янги саноат корхоналари пайдо бўлди, янги-янги бинолар қад кўтарди, обод ва кўкалаймзор кўчалар ташкил қилинди, маданий-маиший муассасалар ишга туширилди. Ҳозир шаҳарда болалар музика мактаби, 13 та умумий та'лим мактаби, 4 клуб, 6 кинотеатр, 4 ясли, 4 болалар боғчаси, 4 касалхона, 2 поликлиника, 1 туғруқхона ҳамда бошқа маданий-маиший ва даволаниш муассасалари меҳнаткашларга маданий хизмат қилаётир.

Шаҳар экономикасининг асосий тармоғи бўлган кўмир корхоналарини кенгайтириш ва уларнинг ишлабчиқариш қувватини оширишга, айниқса зўр э'тибор берилаётир. Ҳозир мавжуд кўмир корхоналарининг ишлабчиқариш қуввати ишга туширилган дастлабки даврдагига нисбатан деярли 55 марта ошди. Трест бўйича меҳнат унумдорлиги доим ортиб бормоқда. Бир суткада қазиб чиқариладиган кўмир ҳажми ҳозир 1950 йилгига нисбатан 60 процент кўпайди. Шунингдек, қазилаётган кўмир сифати тобора яхшиланиб, унинг таннархи камайтирилмоқда.

Мамлакатимиз кўмир саноати корхоналари коллективлари Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида голиб чиққан, бешинчи бешйиллик топшириғини аллақачон бажарган кўмир разрезининг кончилари ВЦСПС ва СССР Кўмир саноати министрлигининг кўчма Қизил байроғини кўп вақтдан бери ўз қўлида сақлаб келади.

Кончиларимиз социалистик мусобақани қизитиб, олинган мажбуриятни ошириб бажариш, маҳсулот сифатини яхшилаш, таннархини камайтириш, машина ва механизмлардан тўла ва унумли фойдаланиш ҳамда ички резервларни қидириб топиш учун кураш олиб боришда намунали иш қилмоқдалар. Бунга мисол қилиб, кўмир разрезида экскаватор машинисти бўлиб ишловчи Муҳаммад Султонбеков, Наримон Халилов, кон устини очиш разрезида экскаватор машинисти бўлиб ишловчи Каримов, 9-нчи шахта новалоотбойчилар бригадасининг бошлиғи Судаков, Аджимуратов, юк ортиш—транспорт бошқармасининг паровоз машинистлари Ли—Мин—Хо, Кашин каби ўнлаб илғорларни кўрсатиш мумкин.

Шахтёрлар ўртасида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорларини изчиллик блан амалга оширишга қаратилган ҳаракат тобора кенгаймоқда. Бу соҳада олиб борилаётган ишларнинг солмоқли натижаси ҳозирданоқ сезилаётир. Трестимиз бўйича 8 ойлик план 17 августдаёқ бажарилди ва шахтёрлар Кунигача 80 минг тоннага яқин қўшимча ёқилғи етказиб берилди. Кўмир конларида ишни тўғри ташкил этиш меҳнат унумдорлигини пландагига нисбатан 6 процент оширишни та'минлади. Ўтган ярим йилнинг ўзида давлатга пландагидан ташқари 1 миллион 311 минг сўм жамғарма берилди. Трест корхоналари ҳозир қўшимча машина, механизмлар ҳамда ишчи кучини ишга солмасдан туриб, бир кеча-кундузда ўтган йилдагига қараганда 750 тонна кўп ёқилғи қазиб чиқармоқда.

Социалистик мусобақада олдинда бораётган кўмир разрези ва 9-нчи шахта коллективлари техника прогресси учун курашда ҳам зўр ташаббускорлик кўрсатмоқдалар. Улар шу йилнинг ўзида 100 дан ортиқ рационализаторлик ва ихтиро'чилик таклифлари тўпладилар. Бу таклифларнинг қарийб 70 таси ишлабчиқаришга татбиқ этилди. Масалан, 9-нчи шахта новалоотбойчилар бригадасининг бошлиғи, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Иван Братерскийнинг транспортёрни бир жойдан иккинчи жойга кўчириб ўрнатиш ҳақидаги таклифи бир сменада кўмир қазиб чиқаришни деярли 10—15 процент кўпайтириш имкониятини берди.

Кўмир разрезининг ишчи ва хизматчиларидан 20 дан ортиқ киши ишлабчиқаришнинг айрим процессларини такомиллаштиришга қаратилган 53 та рационализаторлик таклифини тавсия этдилар. Ҳозир разрез шахтёрлари шу таклифларни амалга ошириш йўли блан янгидан-янги ютуқларни қўлга киритаётирлар. Разрезнинг ўртоқ Кобиляшний бошлиқ 2-нчи участкаси механизаторлари ўтган 7 ой мобайнида унумли меҳнат қилиб, пландан ташқари 72 минг тонна кўмир ортдилар.

9-нчи шахта (бошлиғи ўртоқ Маев) бу йил ўтган йиллардагига қараганда анча унумли ишлаётир. Шахтада машина ва механизмларнинг бир ме'ёрда узлуксиз ишлаши та'минланди. Шу сабабли ҳарбир ишчининг меҳнат унумдорлиги ўтган йилдагига қараганда 15 процент ошди, йил бошидан буён пландан ташқари 10 минг тоннадан ошиқроқ ёқилғи қазиб чиқарилди, маҳсулот сифатини яхшилаш ҳисобига қўшимча 250 минг сўм жамғарма берилди.

Социалистик мусобақани қизитиш натижасида конларда меҳнат илғорлари етишиб чиқмоқда. Новалоотбойчилардан Ч. Рахов, Э. Бойматов, Т. Ҳасанов, Иван Пак, проходчилардан Ахманов, Дубовик сингари донгдор шахтёрлар фақат Оҳангарон кончилари орасида эмас, балки Ўрта Осиёдаги бошқа кўмир ҳавзалари кончилари ўртасида ҳам шуҳрат қозондилар. «Узбекуголь» трестига қарашли кўмир ҳавзаларининг илғор шахтёрларидан 500 киши ўтган 5 йил ичида орденлар ва СССР Кўмир саноати министрлигининг Фахрий ёрлиқлари блан мукофотландилар. Масалан, мустаҳкамловчи М. Бозоров, Фахрий шахтёр Урванов Ленин ордени блан, рукаячица Саидова «Ҳурмат белгиси» ордени блан ва бошқа ўнлаб кончилар орден ҳамда медальлар блан мукофотландилар.

Конлардаги кадрларнинг ихтисосини ошириш ва янги кадрлар тайёрлаш учун катта маблағлар сарфланмоқда. Трестнинг махсус ўқув мактаби ва курсларида шахтёрдар техника та'лими оладилар, ўз ихтисосларини оширадилар. Шу йилнинг ўзида бу мактабда 200 дан ортиқ шахтёр ва механизаторлар малакаларини оширдилар. Улар орасида 9-нчи шахтанинг мотористкаси Ҳафизова, новалоотбойчилардан Э. Бойматов, мустаҳкамловчи М. Бозоров, У. Муталибовлар бор. Улар шахта ишларини пухта ўрганиб олдилар ва ҳозир смена нормаларини 110 — 115 процентга етказиб бажараётирлар.

1956 йилга бориб, Оҳангарон кўмир корхоналари янада кенгайтирилади. Кўмир разрезини реконструкция қилиш йўли блан кўмир чиқаришни 1958 йилда тахминан 2 ҳисса ошириш кўзда тутилади. Бу ишга ҳозирданоқ тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Кўмир чиқаришни кўпайтириш ва темир йўл станциясининг бир ме'ёрда ишлашини та'минлашда кўмирчилар блан темирйўлчилар ўртасида ишлабчиқариш ҳамкорлигининг роли, айниқса катталир. Чунки, кўмирчиларнинг ишлабчиқаришда муваффақиятга эришишлари кўп жиҳатдан темирйўлчиларнинг ишига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам Тошкент темир йўл бўлимининг ходимлари бу соҳада бизга анча ёрдам беришлари лозим. Лекин Тошкент темир йўл бўлимининг раҳбарлари кўмир корхоналарини бир ме'ёрда вагонлар блан та'минлаш ишига етарли аҳамият бермаётирлар. Бу аҳвол кўмир разрези ва 9-нчи шахтада ишлабчиқариш графигининг бузилишига, машина ва механизмларнинг бекор туриб қолишига сабаб бўлмоқда. Масалан, шу йил 10 август куни бўш вагонлар йўқлигидан кўмир разрези 46 соат бекор туриб қолди. Бундан ташқари кўмир ортиш учун катта вагон ўрнига кичик платформалар юбориш ҳоллари ҳам тез-тез учраб туради.

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми халқ хўжалиги планини бажаришни та'минлаш блан бир қаторда ишлабчиқаришнинг техника даражасини ҳартомонлама ошириш вазифасини қўйди. Бунга жавобан Оҳангарон кончилари ижодий ташаббусни ошириш йўли блан қўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлаш ва мавжуд камчиликларни тезда тугатиш учун барча чораларни амалга оширадилар ҳамда халқ хўжалигининг ёқилғига бўлган эҳтиёжини қондиришда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Б. СОЛОВЬЕВ,

«Узбекуголь» трестининг бош инженери.

«Узбекуголь» трестига қарашли 9-нчи шахта коллективи КПСС XX с'езди шарафига социалистик мусобақани кучайтириб, 18 августдаёқ 8 ойлик планни бажарди ва шу кунгача мамлакатга қўшимча равишда бирнеча минг тонна кўмир берди. Суратда: илғор новалоотбойчилардан (чапдан ўнгга) Рўзимат **Ёқубов**, Ибадулла **Калкулов** ва Жўра **Бойманов** ўртоқлар.

В. Лейзерович фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

☆

Факт ва рақамлар

*** «Узбекуголь» трести корхоналарида бир суткада қазиб чиқариладиган кўмирнинг ҳажми бу йил 1950 йилдагига қараганда 60 процент, 1954 йилдагига нисбатан эса 9,2 процент кўпайтирилди.**

*** Трест бўйича қазиб чиқарилган кўмир таннархи 1955 йилнинг 7 ойи мобайнида 43 процент камайтирилди.**

*** Кўмир разрези экскаваторчилари илғор иш методларини қўлланиб, экскавация циклини нормадаги 45 секунд ўрнига 20 секундга қисқартирдилар.**

*** Ўтган ойда кўмир қазиб чиқаришда юқори кўрсатгичларга эришгани учун «Узбекуголь» трестига қарашли 9-нчи шахта коллективига СССР Кўмир саноати министрлиги ва ВЦСПСнинг кўчма Қизил байроғи ҳамда 47 минг 600 сўм пул мукофоти берилди.**

*** Трестда бу йил тупроқ-шағал ва кўмир аралашмаларидан кўмирни ажратиб оладиган янги корхона — бойитиш фабрикаси ишга туширилди.**

*** 1955 йили шаҳарни ободонлаштиришга 3 миллион сўмдан кўпроқ маблағ ажратилди. Ҳозирнинг ўзида 6 минг квадрат метрдан кўпроқ уйжой фойдаланишга топширилди.**

БИЗНИНГ СОВҒАМИЗ

Коллективимиз олдида турган вазифаларни муваффақият блан бажариш учун ҳамма шароитлар яратиб берилган. Разрез малакали ишчилар, мутахассис инженер-техник кадрлар ва юксак техника блан етарли миқдорда та'минланган. Ҳамма гап ана шу қудратли кучни меҳнат унумдорлигини тинмай оширишга, маҳсулот сифатини яхшилашга, таннархини тобора камайтиришга сафарбар қилишда қолган. Разрез ма'мурияти, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари коллективнинг бутун куч ва ғайратини ана шу ишга сафарбар қилмоқдалар.

Биз меҳнатда юқори кўрсаткичларга эришиш ва новаторлар сонини кўпайтиришда ишлабчиқариш командирларининг роли катта эканлигини ҳисобга олиб, участка бошлиғи, кон мастери вазифаларига малакали ва тажрибали инженерларни қўйдик. Улар ўз участкаларида меҳнатни яхши ташкил қилиш, ўзаро социалистик мусобақани авж олдириш масалаларига катта аҳамият бериб, тобора юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Бу соҳада 2-нчи участка бошлиғи Кобиляшний ва унинг ёрдамчиси Бурштейн ўртоқларнинг қилаётган иши тақдирга сазовордир. Бу ўртоқлар бошчилик қилаётган участка кўп вақтдан бери илғорликни қўлдан бермай келаётир. Участка шу кунгача планга қўшимча равишда 60 эшелондан кўпроқ кўмир берди.

Инженер ва техник ходимлар хўжаликка ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилишлари, ишчиларнинг ижодий ташаббускорлигини ва уларнинг техника билимларини ошириш масалалари блан тинмай шуғулланишлари орқасида илғорлар сони тобора ошиб бормоқда. Кон мастери Медведь, техкомплекс механиги Литвиненко, сув отвали десятниги Хожиматов, темир йўл ишчиси Пардаев, машинист ёрдамчиси Обучаев каби ўнлаб ишлабчиқариш илғорлари фидокорона меҳнатлари орқасида шахтёрлар ўртасида катта ҳурмат қозонди. Бундай илғорлар сони участкада тобора кўпаймоқда.

Разрез бўйича 8 ойлик кўмир қазиш плани муддатидан 15 кун олдин бажарилди ва шу кунгача планга қўшимча равишда 70 минг тонна кўмир етказиб бердик. Нав'ли кўмир ишлабчиқариш ўтган йилнинг шу вақтидагига қараганда 25 процентдан зиёд кўпайди, меҳнат унумдорлиги 15 процент ортди. Қазиб олинган ҳар тонна кўмирнинг таннархи 26 тийин арзонлашди. Ўтган 8 ой мобайнида экскаватор қувватидан фойдаланиш коэффициенти 6 процентдан кўпроқ оширилди, механизмларнинг тўхтаб туриш вақти 1300 соатга яқин қисқартирилди.

Шахтёрлар бугун ўз меҳнатлари самарасидан қувониб, байрам қилар эканлар, уларнинг дилида бундан буён янада унумлироқ ишлаш орзуси жўш урмоқда.

Ю. МЕРЦАЛОВ,

Кўмир разрези боқилиги вазифасини бажаруччи.

ЮҚОРИ КЎРСАТКИЧЛАР

Кўпгина машинистлар мавжуд техникадан унумли фойдаланиш натижасида юқори кўрсаткичларни қўлга киритмоқдалар. Жумладан, Х. Алиқулов ва А. Гриднев ўртоқлар экскавация циклини қисқартириш эвазига ҳар сменада нормадан ташқари бирнеча юз тонналаб кўмир қазиб чиқаришга эришмоқдалар. Ҳозирги вақтда экскавация цикли нормадаги 45 секунд ўрнига 20 — 25 секундда бажарилмоқда.

Хўш, бундай кўрсаткичга қандай қилиб эришилмоқда?

Аввало шуни айтиш керакки, экскаваторчи агар юқори меҳнат унумдорлигига эришишни истаса, ҳарбир минутнигина эмас, балки ҳарбир секундни ҳисобга олиб бориши керак.

Вагонларга кўмир ортиш вақтини қисқартириш учун экскаваторни 180 градусга эмас, 45, 60, 90 градусга буриш зарур. Мен экскаваторни буриш блан бирга кўмир тўлган ковшни ҳам кўтариб бораман ва ёқилғини вагонга тўкаман. Шунингдек, кўмир вагонга тўкилгач, экскаваторни яна орқага бураман ва шу бир вақтнинг ўзида ковш забойга туширилиб борилади. Экскавация циклини бу тарзда қисқартириш иш вақтидан унумли фойдаланиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятини беради.

Бўш вагонлар бўлмай қолган вақтда биз бекор ўтирмаймиз. Бу вақтда экскаваторнинг мотор ва генераторлари ҳамда электрик ва бошқа қисмларини синчиклаб кўриб чиқамиз, бўшаб қолган болтларини мустаҳкамлаймиз. Кўмир қатламларини юмшатиш мақсадида отпалка қиламиз. Бу эса кўмирни вагонларга ортиш вақтини яна ҳам қисқартиришга имкон бераётир.

Унумли меҳнат қилишни та'минловчи асосий омиллардан яна бири смена а'золарининг ҳамкорликда ишлашидир. Биз ишни ўзаро тақсимлаб олганмиз. Ҳарбир ишчи ўз вазифасини яхши билади. Меҳнатни тўғри ташкил этганимиз учун ҳардоим ойлик ва йиллик топшириқларни ошириб бажаришга эришмоқдамиз.

Бригада шу йилнинг ўтган 7 ойи ичида кўмир қазиш планини 121,7 процент қилиб бажариб, иste'молчиларга қўшимча равишда мингларча тонна ёқилғи жўнатди. Бригадамиз август ойида ҳам ана шундай унумли ишлади.

Биз қўлга киритган бу ютуқлар блан қаноатланиб қолмаймиз. Мавжуд резервларни ишга солиш ва улардан рационал фойдаланиш учун бундан кейин ҳам астойдил ҳаракат қиламиз. Мамлакатимизга кўпдаб ёқилғи етказиб бериш учун олиб борилаётган кураш биздан шуни талаб этмоқда.

О. АБЛЯМИТОВ,

экскаватор машинисти.

Қардошлар ҳамкорлиги

Кексалар блан гаплашганингизда, Оҳангарон шаҳри ҳақида жуда кўп афсоналарни айтиб берадилар. Гўё қадим замонларда буерда темирчилар яшаган эмиш, шунинг учун ҳам буернинг номи темирчилар шаҳри — Оҳангарон деб аталган эмиш.

Биз узоққа назар солмай, бундан ўнбеш йил илгариги ҳақиқатни кўз ўнгимизга келтирайлик. У вақтда атрофи баланд тоғлар блан ўралган кенг бу води инсон қадами етмаган тўқайлар, батқоқликлардан иборат бўлиб, бу ерларда фақат йиртқич ҳайвонларгина ҳукимлик қилар эди.

Инсон қўли гул дейдилар. Совет олимлари тоғ ёнбағрларида яшириниб ётган бойликларни аниқладилар. Ватанимиз фронт линияларида шиддатли жанг бораётган пайтда Оҳангарон бойликларини ишга солиш учун кураш қизитиб юборилди. Тўқайлар, сойлар ўрнида чиройли бинолар қад кўтарабошлади. Кўмир конлари ва бошқа кўплаб корхоналар қурилди, темир йўл излари конларгача етиб келди. Бу ерда ишлаш учун Ватанимизнинг йирик кўмир корхоналаридан тажрибали шахтёрлар келдилар.

Оҳангарон шаҳри тез вақт ичида республикамизнинг йирик саноат шаҳарларидан бирига айланди. Ҳозир буерда йирик кўмир разрези, шахта ва кон устини очиш разрези, цемент ва ўтга чидамли буюмлар ишлаб чиқаручи заводлар ҳамда бошқа ўнлаб саноат корхоналари бор. Шахтёрлар, транспортчилар, энергетик ва бинокорларнинг кўпмингли армияси ўз меҳнатларининг роҳатини кўрмоқдалар. Уларга янги типда қурилган маданият саройлари, касалхоналар мактаб, клуб, кутубхона, ўқишхона ва жуда кўп маданий-маиший муассасалар хизмат қилмоқда.

Партия ва ҳукуматимиз Оҳангарон шаҳарида оғир саноатни тез суратлар блан юксалтириш учун кон саноати машиналари ва бошқа ҳартурли асбоб-ускуналар ва жуда кўп маблағлар бермоқда. Яқинда янги кўмир разрези қурилиши бошланади. Оҳангарон шаҳрини янада кенгайтириш учун проект тузилди ва тасдиқланди. Шахтёрлар шаҳарининг истиқболи порлоқдир.

Улуғ Ватан уруши йилларида бун'ёдга келган Оҳангарон кўмир конларида ишлаш учун Ватанимизнинг энг йирик кўмир конлари «Донбасс», «Ворошиловуголь» «Кузбасс», «Магнитогорскуголь» ва бошқа кўмир ҳавзаларидан жуда кўп мутахассислар келдилар. Улар ўзбек кочегаркасининг ёш коллективига ўзларининг оғалик ёрдамларини бериш учун, бой тажрибаларини ўртоқлашиш учун келдилар. Булар орасида ҳозирда ҳам ўз тажрибалари блан шахтёрлар коллективини илғорликка бошлаётган Урванов, Марьямов, Снапов, Мариничев, Братерский ва бошқа ўртоқлар бор. Оҳангарон кўмир саноатининг тез юксалишига рус халқи бошлиқ қардош халқларнинг вакиллари катта ҳисса қўшдилар.

Фахрий шахтёр, Узбекистон ССР Олий Советининг депутати ўртоқ И. Братерский 9-нчи шахтада новалоотбойчилар бригадасининг бошлиғи бўлиб ишлайди. У, 9-нчи шахтадаги иш даврида жуда кўп ўзбек йигитларини шахтёр қилиб етиштирди. Унинг шогирдлари Эрмат Бойматов, Масаид Исоматов ва бошқа ўртоқлар новалоотбойчилар бригадасининг бошлиғи, кон мастери ва илғор новалоотбойчи бўлиб

Фахрий шахтёр Тешабой Ортиқов

ишлаётирлар. Фахрий шахтёр Урванов 9-нчи шахтага келгандан буён жуда кўп шогирдлар етиштирди. Фахрий шахтёрлардан Муҳаммад Бозоров ва Тешабой Ортиқов ўртоқлар шулар жумласиндир. Булар оддий колхозчилардан кўмир корхоналарининг пешқадам кишилари бўлиб етишдилар. Ҳукуматимиз уларнинг кўп йиллик меҳнатларини тақдирлаб бирнеча орден ва медальлар блан мукофотлади. 9-нчи шахта новалоотбойчиларидан Аджимуротов, Ширимқулов, Пардаев, Рўзиқулов, кўмирчилар блан ҳамкорликда ишлаётган паровоз машинистларидан Серебрянников, Морозов, Кашин, Удалов, токарь Коваленко, слесарь Визгалин ва бошқа ўнлаб илғорларнинг номи кўпчиликнинг ҳурматига сазовордир.

Донгдор шахтёр Тешабой Ортиқов ҳам ана шу ўзларча илғорлардан биридир. У ўсиб улғайган йиллар икки даврни ўз ичига олади. Биринчи давр Улуғ Октябрь социалистик революциясидан илгариги хўрлик, қашшоқлик ва зулмат даврдир, иккинчиси эса Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейинги меҳнаткаш халқлар учун бахт қуёши нур сочган, меҳнат шон-шараф ва қаҳрмонлик ишига айланган саодатли — ҳозирги даврдир. Оҳангарон ҳавзасида кўмир конлари эндигина қурилаётган вақтларда Тешабой Ортиқов шахтага ишга келди. Кўмир қазиб чиқариш нима эканлигидан мутлақо хабарсиз бўлган Ортиқов Донбассдан келган кекса шахтёр Урванов раҳбарлигида мустаҳкамловчилар бригадасида ишлайбошлади. У, шахтада мустаҳкамловчилик ҳунарининг нақадар муҳим роль ўйнашини, мустаҳкамлаш ишининг аҳамиятини астасекин ўрганабошлади. Орадан бирқанча вақт ўтгач Тешабой бу ишнинг пешқадам устаси бўлиб етишди.

Шахтада портлаган кўмир забойларини нурашдан сақлаш учун унга мустаҳкам устунлар қўйиш, забой шипларини ёпиш, новалоотбойчилар учун мустаҳкам иш участкалари тайёрлаб бериш мустаҳкамловчиларнинг ишидир. Тешабой Ортиқов шахтада ана шу мас'улиятли касбнинг кўзга кўринган омилкорларидан бири ҳисобланади. У, смена топшириғини систематик равишда 170 — 180 процентдан бажариб келмоқда. Шунинг учун ҳам СССР Кўмир саноати министрлиги яқинда Ўртоқ Т. Ортиқовга Фахрий шахтёр деган унвон берди. Ҳукуматимиз уни бирнеча марта орден ва медальлар блан мукофотлади. Донгдор шахтёр забойларни мустаҳкамлашда ҳар куни топшириқни ортиғи блан бажараётир. Фахрий шахтёр Тешабой Ортиқов дўстлари блан биргаликда ўз традицион байрамини меҳнатда юқори кўрсаткичлар блан кутиб олди.

М. РАҲИМОВ,
И. АҲМЕДОВ.

МУНОСИБ ҲИССА

Социалистик саноатимизга ва аҳолига ёқилғи етказиб беришда шахтёрлар блан бирга транспортчиларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Кон устини очиш, тупроқ--шағални ташиш, кўмир ортилган составларни белгиланган жойга олиб бориш — транспортчиларнинг энг шарафли бурчидир. Бизнинг экипаж асосан кон устини очиш ҳамда тупроқ-шағални ташишда хизмат қилади.

Экипажларимиз қатнайдиган йўл вертикал қирқилган, поғона-поғона қилиб очилган ердан тушади. Мана шу маршруттдан 9 — 10 думпкар блан паровоз олиб юриш ҳарбир машинистдан моҳирлик ва сергаклиқни талаб этади.

Паровознинг доим ишга тайёр туришини та'минлаш учун, уни систематик суратда назорат қилиб борамиз. Ундаги бузуқ бўлган ба'зи детальларни аниқлаб, уларни ўз вақтида алмаштириб тузатамиз. Буларнинг ҳаммаси фақат иш давридагина бажарилади. Бригада томонидан паровоз қозонини нормаль ҳолати, ёнилгининг тозалиги ва бошқалар доимо текшириб турилади. Клапанларнинг ва буғ майдонларини тоза сақлаш, зарур қисмларни ўз вақтида мустаҳкамлаш, распорка, буксовой клиньяларни мустаҳкам ҳолда тутиш ва бошқа зарур ишларни доимо кўздан кечириш одат бўлиб қолган. Паровозни қиш кунларида ишдан чиқариб қўймаслик учун буғ ва ҳаво йўлларини, унинг буғкаларини ҳамавақт бирхил температурада сақлашга э'тибор берамиз. Бу тадбирларнинг ҳаммаси паровоз қувватидан унумли фойдаланишга катта ёрдам бермоқда.

Биз юк ортиш-транспорт бошқармасининг донгдор машинистларидан ўртоқ Мамин бошчилигидаги паровоз бригадаси блан социалистик мусобақа боғлаганмиз. Мусобақадошимиз блан ўзаро тажриба алмашиб туриш жуда яхши натижалар бермоқда. Ҳозир биз ҳам Мамин бригадаси сингари ювиш ремонтини белгиланганидек бир ойда эмас, балки икки ойда ўтказмоқдамиз. Мамин бригадаси ҳозир паровознинг кўтарма ремонт қилинмаслан ишлашини 1 йилу 8 ойга етказди. Биз ҳам 11 ойдан бери кўтарма ремонтсиз ишламоқдамиз.

Бригада шахтёрлар Кунини муносиб меҳнат совғалари блан кутиб олиш учун фидокорона меҳнат қилди. Бизнинг экипаж транспортчилари тупроқ-шағал ташишда бошқарма паровоз бригадалари ичида энг юқори кўрсаткичга эришиб, 8 ойлик планни 111 процент қилиб бажарди. Бригадамизнинг бу муваффақияти малакатимизга кўпдаб кўмир етказиб беришга қўшилган муносиб ҳиссадир. Шу кунларда бригада транспортчилари партиямиз XX с'езди шарафига меҳнат вахтасида туриб ишламоқдалар.

П. КАРПОВ,

юк ортиш-транспорт бошқармасининг старший машинисти.

Парламентаро иттифоқнинг 44-нчи конференцияси

ХЕЛЬСИНКИ, 26 август. (ТАСС). Бугун Парламентаро иттифоқ 44-нчи конференциясининг мажлисларида бош секретарьнинг доклади юзасидан музокаралар давом этди. Биринчи бўлиб Совет Иттифоқи вакили ўртоқ Н. А. Михайлов сўзга чиқди.

Шундан кейин Япония, АҚШ, Франция, Финляндия, Ирландия, Ливан, Ироқ, Исроил, Англия, Италия ва бошқа мамлакатларнинг делегатлари сўзладилар.

Бош секретарьнинг доклади юзасидан музокаралар давом этмоқда.

* * *

ХЕЛЬСИНКИ, 27 август. (ТАСС) Кеча Парламентаро иттифоқ 44-нчи конференциясининг мажлисида бош секретарьнинг доклади юзасидан бўлган музокараларда Совет Иттифоқи вакили Н. А. Михайлов сўзлаганлиги тўғрисида хабар берилган эди.

Бизнинг депутатларимиз, — деди Михайлов, — Парламентаро иттифоққа киргانларида Олий Советнинг 1955 йил 9 февральда бир овоздан қабул қилинган Декларациясига амал қилдилар. Бу ҳужжат тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш юзасидан парламентлар зиммасига катта жавобгарлик юкланганлигини та'киллайди ва улар ўртасида бевосита алоқалар ўрнатишга чақиради.

Нотиқ бош секретарьнинг докладига тўхталиб, бундай деди:

Совет Иттифоқи урушдан кейинги даврда ва хусусан кейинги бир ярим-икки йил мобайнида халқаро муносабатлардаги кескинликни юмшатишга қаратилган кўп тадбирларни кўрди, «совуқ муносабатлар уруши»га хотима беришга ва тинчлик ҳамда халқлар хавфсизлиги учун курашда ҳамкорликни тиклашга интилиб келди. Совет Иттифоқи блан биргаликда Хитой Халқ Республикаси, барча халқ демократияси мамлакатлари ҳам актив ҳаракат қилдилар.

Сўнгра, Михайлов айтдики, халқаро миқ'ёсдаги энг муҳим ба'зи проблемалар шу вақтгача ҳал этилган эмас. Хитой Халқ Республикасининг, Германия Демократик Республикасининг тинчлик ишига қўшган буюк ҳиссаси ҳаммага аёндир. Лекин шунга қарамай, бу давлатларнинг халқаро сиёсатда ўйнайдиган роли ва тутган ўрнига тааллуқли кўпгина жуда муҳим масалалар афсуски шу вақтгача оқилона ва ҳаққоний суратда ҳал этилгани йўқ.

Нотиқ қурол-яроғларни ва қуролли кучларни камайтириш проблемаси тўғрисида гапириб, совет давлати ўз қуролли кучларини 640 минг киши миқорида камайтириш блан қурол-яроғларни камайтириш йўлида реал қадамлар қўяётганлигини яна исбот этди, деб та'кидлади.

Михайлов сўзини давом этдириб, бундай деди: Совет делегацияси шундай деб ҳисоблайдики, умуман парламентлар ҳам, барча мамлакатлардаги қонун чиқаручи олий муассасаларнинг айрим а'золари ҳам ўз ҳукуматларининг Европада ва Осиёда, шунингдек дун'ёнинг бошқа районларида ҳал этилмаган масалаларни манфаатдор мамлакатлар ўртасида музокаралар олиб бориш ва битимга келиш йўли блан ҳал этишларига муваффақ бўлишлари лозим.

Совет давлати ўзи ташкил топган биринчи кунларданоқ сиёсий ва иқтисодий системалари турлича бўлган давлатларнинг тотув яшаши мумкин ва зарур, деган қат'ий фикрни ўз ташқи сиёсати учун асос қилиб олганлигини та'кидлаб, нотиқ бундай деди:

СССР Олий Советининг сессияси Женева Кенгашининг якунлари тўғрисида СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. А. Булганининг докладини муҳокама қилиб, тотув яшаш принципи Совет Иттифоқи ташқи сиёсати асосларининг асоси бўлиб келганлигини, ҳозирда ҳам шундай эканлигини ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолажагини яна бир марта та'кидлади.

Сўнгра, Михайлов қуйидагиларни айтди: Совет мамлакати савдо алоқаларини кенгайтириш сиёсатини изчиллик блан амалга ошириб келмоқда. 1953 йилда Совет давлати ташқи савдосининг ҳажми урушдан аввалги даражадан қарийб тўрт баравар ортди. СССР 58 давлат блан ҳар икки томон учун фойдали савдо-сотиқ ишлари олиб бормоқда.

Совет Иттифоқига жуда кўп делегациялар келиб-кетаётганлигини ва шу блан бирга, бизнинг мамлакатимиздан ҳам бошқа мамлакатларга кўп сан'ат, спорт коллективлари, жамоат ташкилотларининг делегациялари бораётганлигини та'кидлаб, нотиқ айтдики, Парламентаро иттифоқ сиёсий, иқтисодий соҳада, шунингдек маданият, фан ва сан'ат соҳасида турли мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришда катта роль ўйнайолади ва ўйнаши керак. Бир-бирларига делегациялар юбориб туриш, халқаро ҳаётнинг энг муҳим масалалари юзасидан парламентлар вакилларининг халқаро ва маҳаллий кенгашларини уюштириш йўли блан, — деди нотиқ, — парламентлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш муҳимдир. Шу сабабдан, бу конференцияда Хитой Халқ Республикасининг, я'ни тинчлик учун курашда муҳим роль ўйнаётган мамлакатнинг делегатлари қатнашмаётганлиги афсусланарли бир ҳолдир. Конференцияда Германия Демократик Республикаси ҳам қатнашганида, бу ҳол конференциянинг ишларига, шубҳасиз, ёрдам берган бўлур эди.

Михайлов сўзининг охирида бундай деди: Парламентаро иттифоқдаги СССР миллий группасининг а'золари ўз сайловчиларининг манфаатларини ифода этадилар, улар барча халқларнинг, ўз давлатлари сиёсий ва иқтисодий тузумининг қандай бўлишидан қат'ий назар, тинч яшаши мумкин ва зарур эканлигига ишонадилар. Улар Иттифоқнинг тинчликни ва халқлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш соҳасидаги ҳамма ишларида унинг ролини ошириш учун қўлларидан келган бутун чораларни кўрадилар. Бизнинг бу йўлдаги ҳаракатимиз бошқа мамлакатлар парламентларининг ҳаракати блан қўшилиб кетади ва Хельсинкида бўлган вақтимизда ўзаро шахсий алоқа боғлашимиз натижасида халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш манфаатлари юзасидан, тинчлик ва умумий хавфсизлик манфаатлари юзасидан самарали ҳамкорлиқ қилиш учун янги имкониятлар вужудга келади, деган умид ва ишончимизни билдирамиз.

Сув тошқинидан зарар кўрган Ҳиндистон аҳолисига Совет Иттифоқининг ёрдами

Кейинги бирнеча ҳафта ичида Ҳиндистоннинг шарқий районларида Ассам, Ғарбий Бенгалия, Бихар ва Уттар Прадеш штатларида қаттиқ ёмғирлар ёққанлиги натижасида кўп жойларни сув босди. Сув тошқинидан неча миллионлаб киши зарар кўрди, экинлар нобуд бўлди, неча мингларб уй вайрон бўлди.

25 августда СССРнинг Ҳиндистондаги Муваққат Ишлар Вакили ўртоқ Ғ. И. Ашуров Ҳиндистон ташқи ишлар министрининг ўринбосари А. Б. Чанда ҳузурида бўлди ва Ҳиндистоннинг шарқий районларида сув тошқини вақтида ҳинд халқининг бошига тушган кулфат муносабати блан Совет ҳукумати номидан ҳамдардлик билдирди ҳамда унга СССР Қизил Крест ва Қизил Яримой Жамиятлари Союзи Ижроия Комитети сув тошқинидан зарар кўрган кишиларга ёрдам бериш учун Ҳиндистон бош министри фондига 100 минг ҳинд рупияси топширишга қарор қилганлигини билдирди.

СССР Қизил Крест ва Қизил Яримой Жамиятлари Союзи Ижроия Комитетининг раиси профессор Г. А. Митерев сув тошқинидан зарар кўрган аҳолига ёрдам бериш учун ана шу маблағни юбориш блан бирга, Ҳиндистон Қизил Крест Жамиятининг раиси Ражкумари Амрит Каур хонимга телеграмма юборди. У, бу телеграммада Ҳиндистондаги ба'зи штатлар аҳолисининг бошига тушган кулфат муносабати блан СССР Қизил Крест ва Қизил Яримой Жамиятлари Союзи номидан ҳамдардлик билдирди.

Чанда жаноблари ана шу ҳамдардлик ва ёрдам учун ташаккур изҳор қилди. (ТАСС).

БРАЗИЛИЯДА СССР ВА ХАЛҚ ДЕМОКРАТИЯСИ МАМЛАКАТЛАРИ БЛАН ДИПЛОМАТИЯ ҲАМДА САВДО МУНОСАБАТЛАРИНИ ТИКЛАШ ЙЎЛИДАГИ ҲАРАКАТ

МОНТЕВИДЕО, 26 август. (ТАСС). Бразилия Миллий конгрессининг бирқанча депутатлари Бразилиянинг Совет Иттифоқи ва халқ демократияси мамлакатлари блан дипломатия ҳамда савдо муносабатларини тиклашини ёқлаб гапирган эдилар. Шу муносабат блан, Бразилия ташқи ишлар министри Раул Фернандес депутатлардан Мовейра, Моралиа ва Монтейрога телеграмма юборди. Бу телеграмма Бразилия газеталарида босилди. Телеграммада айтилишича, Бразилия ҳукумати тахминан 51 миллион доллар миқдорида бевосита товар айирбошлаш мақсадида бир вақтлар Чехословакия, Польша ва Венгрия блан музокара олиб борган эди. Ҳозирги вақтда, дейилади телеграммада, Бразилия шу вақтгача савдо алоқалари боғламаган бошқа мамлакатлар блан бевосита муносабат ўрнатишга имкон берадиган формулалар ўрганилмоқда. Бундай муносабатлар ўрнатилганида, тегишли иқтисодий системаларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳурмат қилиниши керак.

ФРАНЦУЗ ТУРИСТЛАРИНИНГ КАТТА ГРУППАСИ СОВЕТ ИТТИФОҚИГА ЖУНАДИ

ПАРИЖ, 26 август. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги билдиради: Кеча Польшанинг «Баторий» пароходи Гаврдан Ленинградга жўнади. Бу пароходда СССРга жўнаб кетаётган 760 га яқин француз туристи бор.

Туристлар орасида Парижнинг ва вилоятларнинг кўпгина журналистлари, шунингдек олимлар, сан'ат арбоблари ва бошқалар бор.

ТАТАРИСТОН АССР АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТЛАРИ

Суратда: (чапдан) Жаҳон ёшларининг қатнашчиларидан **Ф. Абдуллина, И. Саттохов** «Казанка дар'ёси бўйида» деган рақсни ижро этмоқдалар; **Салимов** «Эйе шул» деган татар хазил қўшиғини ижро этмоқдалар. Бухарестда бўлиб ўтган IV фестивали артистларидан **Г. Гафнатуллина** ва **Н. Меламед** фотолари.

☆ ☆

Тошкентда Татаристон АССР ашула ва рақс ансамблининг концертлари катта муваффақият қозонмоқда. 60 кишини бирлаштирган бу коллективнинг Тошкентга биринчи марта келиши эмас. Ансамбль бундан тўрт йил илгари ҳам республика пойтахтига келиб тамошабинларнинг олқишларига сазовор бўлган эди. Энди у, янги катта программада тошкентли дўстлари олдида ижодий ҳисобот бермоқда.

Ансамбль репертуарида рус, татар ашула ва рақс номерлари асосий ўринни эгаллаган.

Концерт Татаристон композитори Жигановнинг шоир Ерикиев ше'ригa ёзилган «Рус халқига салом» қўшиғи блан бошланади. Ундан кейин ансамбль рус ва татар ашулаларини завқ блан куйлайди. «Қозон порти», «Сармон» каби ёқимли ашулалар янграйди.

Хор татар халқ ашулаларидан «Санмарсу» ва «Фазлуш» ашулаларини зўр бадиий маҳорат блан ижро этди.

«Парранда фермасида» деган комик рақс тамошабинлар томонидан яхши кутиб олинди. «Халқлар дўстлиги» ашуласи ҳам тамошабинларга ҳаёзур бўлди.

Ансамбль репертуарида сатирик асарлар ҳам бор. Шоир М. Хусаиновнинг «Бюрократлар тўғрисида қўшиқ» асарида бюрократлар кучли сатира қамчиси остига олинади.

Қизиқарли рақслардан «Келинни кузатиш» (келин — артистка Г. Вагманова, куёв — артист М. Гатиятуллин) ва «Мадрасадаги ҳодиса» каби лапарлар ҳам муваффақият қозонди.

Татаристон АССР ашула ва рақс ансамбли Тошкентда яна бирнеча кун бўлади ва ундан сўнг республикамизнинг бошқа шаҳарларига жўнаб кетади.

Т. ОДИЛБЕКОВ.

Механизатор кадрлар

Область қишлоқ хўжалик бошқармаси механизатор кадрлар тайёрлаш масаласига катта э'тибор бериб, шу мақсадда область МТСлари ҳузурида 4 ойлик курс ташкил этган эди. Курсларни мингдан ортиқ киши тамомлаб чиқди. Курсни битириб чиққанлар Октябрь, Қуйичирчиқ Калинин, Верхне-волинск район МТСларида ишламоқдалар.

Мирзачўл, Бекобод, Боёвут районларидаги механизация мактабларига янги ўқув йилида 425 киши қабул қилинди. Янги қабул қилинганлар қишлоқ хўжалик машиналари бўйича мутахассис бўлиб етишадилар.

Ўзбекистон қишлоқ спортчиларининг спартакиадаси

АНДИЖОН, 26 август. (ЎзТАГ). 25 августда хотин-қизлар учун йигирмабеш километр ва эркаклар учун эллик километр масофага велосипед пойгаси ўтказилди. Хотин-қизлар орасида Наманган областининг велосипедчилари биринчи ўринни эгалладилар. Андижон ва Самарқанд областьларининг спортчилари иккинчи ва учинчи ўринга чиқдилар. Эркаклар орасида Самарқанд области пойгачилари ғолиб чиқдилар. Наманган ва Тошкент областьларининг велосипедчилари шундан кейинги мукофотли ўринларни эгалладилар. Велосипед спорти бўйича ўтказилган мусобақаларда ҳаммаси бўлиб 160 киши қатнашди, булардан 22 киши иккинчи разряд нормасини бажарди.

Футболчилар орасида Самарқанд областининг командаси 3:0 ҳисоби блан Тошкент области командасини ютиб биринчи ўринни эгаллади.

Миллий кураш бўйича 258 учрашув бўлди. Фарғона қоидаси бўйича ўтказилган курашда Андижон областининг полвонлари ва Бухоро қоидаси бўйича ўтказилган курашда Хоразм области полвонлари биринчи ўринни олдилар.

Кечқурун «Спартак» стадионида спартакиаданинг ёпилиш паради бўлди. Бешкунлик кескин кураш натижасида Самарқанд областининг командаси биринчи ўринни эгаллади. Тошкент ва Андижон областьларининг спортчилари иккинчи ва учинчи ўринга чиқдилар.

Кечқурун Навоий номидаги паркнинг ёзлик театрида спартакиада голибларини тантакали суратда мукофотлаш маросими бўлди.

Канада ташқи ишлар министри Пирсон ХХР ҳукуматини танишни ёқлаб гапирди

НЬЮ-ЙОРК, 26 август. (ТАСС). Юнайтед Пресс агентлиги мухбирининг Ванкувердан билдиришига қараганда, Канада ташқи ишлар министри Пирсон 25 августда Канада хотин-қизлар клубида нутқ сўзлаб, Канадага Хитой Халқ Республикаси ҳукуматини дипломатия йўли блан таниш масаласини «тезорада қайтадан кўриб чиқишга тўғри келади» деган. Пирсон, Канада ҳукуматининг Хитой Халқ Республикаси ҳукуматини таниши «миллий манфаатларимизга мувофиқ» бўлади, деган.

ДАНИЯ ҚИШЛОҚ ТЎЖАЛИК ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИГА ТАКЛИФ ЭТИЛГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА ДАНИЯ ГАЗЕТАЛАРИНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

КОПЕНГАГЕН, 26 август. (ТАСС). «Социал-демократен» газетаси ва бошқа газеталар Дания ташқи ишлар министрлигининг ахборотини босиб чиқардилар. Бу ахборотда ССР Иттифоқи Қишлоқ хўжалик министрлиги Дания қишлоқ хўжалик министри Смерумни ва қишлоқ хўжалик ташкилотларининг вакилларидан иборат делегацияни сентябрь ойида Совет Иттифоқига келишга таклиф этганлиги ҳақида гапирилади. Шу муносабат блан, ташқи ишлар министрлиги ва таклиф мамнуният блан қабул қилинганлигини СССРнинг Даниядаги муваққат ишлар вакилига ма'лум қилди.

Япония-Хитой савдо муносабатларига доир

ТОКИО, 26 август. (ТАСС). Японияннинг Киодо Пусин агентлиги билдиради: Америка темир рудаси ва антрацити ғоят қимматт бўлганлиги сабабли, Японияннинг «Явата», «Фудзи» ва «Нихон кокан» деган металлургия компаниялари Хитой Халқ Республикасидан темир рудаси ва кўмир олиш шарти блан ХХРга рух юргизилган темир юбориш учун ҳукуматнинг рухсатини олишга қарор берганлар. Компаниялар Японияннинг Хитойдан кўмир ва темир рудаси олиши тўғрисида ХХР блан узоқ вақтга мўлжалланган битим тузишни ҳам талаб қилмоқдалар.

Агентликнинг та'кидлаб айтишича, ҳозирги вақтда Америка кўмирининг ҳарбир тоннаси Японияга 26 долларга тушади, ҳолбуки Хитой кўмирининг бир тоннаси эса Японияга қарийб 22 долларга тушади. Япония Хитой темир рудасини Американикидан кўп даража арзон олади.

Суданда аҳвол

ХАРТУМ, 26 август. (ТАСС). Хартумдаги расмий доираларнинг билдиришига қараганда, Суданнинг жанубидаги аҳвол кескинлигича қолмоқда. 18 августда Торитдаги жанубий судан корпуси солдатлари ўртасида бошланган ис'ённи шу вақтгача бостириш иложи бўлмади ва қўзғолончилар тропик ўрмонларда яширинганлар. Маҳаллий газеталарнинг ёзишича, қўзғолончиларнинг сони бирнеча юз кишига етади. Ғалаёнлар Торитдан ташқари вилоятнинг бош шаҳри Бахрил Ғазал Вауда ҳам бўлиб ўтган. Судан қўшинлари Юқори Нил вилоятининг асосий шаҳри бўлган Малакалла полициясини қуролсизлантирганлар. Аммо, полициячиларнинг бир қисми қуролли қаршилик кўрсатган ва 45 полициячи ўрмонларга яшириниб, қўзғолончиларга қўшилган.

Судан бош министри Ал-Асхарий ис'ёнчиларга мурожаат қилиб, қаршилик кўрсатишни тўхтатишга ва таслим бўлишга чақирган. Аммо қўзғолончилар бунга унамаганлар.

Судан генерал-губернатори ва айни вақтда Судан қуролли кучларининг бош қўмондони Нокс-Хелм 25 августда Лондондан Хартумга келди. Нокс-Хелм қўзғолончиларга қарата чиқарилган мурожаатни э'лон қилди. У бу мурожаатда қўзғолончиларга 24 соат мобайнида таслим бўлишни таклиф этди.

Мўғул халқининг ҚХДРга ёрдами

ПХЕНЬЯН, 26 август. (ТАСС). Корея Марказий телеграф агентлигининг билдиришига қараганда, мўғул халқи чорвачиликни ривожлантиришда Корея Халқ-Демократик Республикасига ёрдам бериш мақсадида ҚХДРга 30 мингта майин жунли қўй юборишга қарор берган. Бу қўйлар мамлакатдаги қишлоқ хўжалик кооперативлари ўртасида тақсим қилинади.

Боғларимизни тезда тиклаб олайлик

Ўтган йилнинг кузида бўлиб ўтган совуқлар боғлардаги мевали дарахтларнинг кўпини уриб кетди. Натижада барча колхозлар олдида совуқ урган боғларни тетишли агротехника тадбирлари комплексини амалга ошириб, тезда тиклаб олиш каби мас'улиятли иш келиб чиқди.

Совуқ урган боғларни тиклаш тадбирлари тўғрисидаги агротехника қоидалари шу йилнинг бошидаёқ ишланиб чиқилди. Бу тадбирлар Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги Совет томонидан ма'қулланиб, областимизнинг барча колхозларида жорий этилиши тавсия қилинди. Тошкент область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитети махсус қарор чиқариб, бу қарорда совуқ урган боғларни тиклаш тўғрисидаги тадбирларни амалга ошириш юзасидан район ижроия комитетларига, партия комитетларига,МТС директорларига ва колхоз раисларига конкрет кўргазмалар берди. Барча районларда колхоз раҳбарларининг махсус кенгашлари, боғдорчилик бригада бошлиқлари, МТС агрономларининг семинарлари ўтказилди. Кенгаш ва семинарларда совуқ урган боғларни тиклаш тадбирларини амалга ошириш тўғрисидаги практик масалалар батафсил муҳокама қилинди.

Областимизнинг бирқатор колхозлари бу жиддий масалага етарли э'тибор бериб, тавсия этилган агротехника тадбирларини амалга оширилар ва совуқ урган боғларни тиклашда бирмунча ютуқларга эришдилар. Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон», Сталин номли, Калинин районидаги Ворошилов номли, Мирзачўл районидаги «Октябрь» колхозлари совуқ урган боғларнинг яхшигина тикланишига эришаётирлар. Улар боғларни тиклаш юзасидан белгиланган тадбирларни тўғри амалга оширдилар. боғдорчилик бригадаларида меҳнатни тўғри уюштирдилар, боғда қилинадиган ишлар учун зарур бўлган материал-техник воситаларини ўз вақтида етказиб турдилар.

Дастлаб улар совуқ урган дарахтларни остидан 20—25 сантиметр тўнка қолдириб кесиб ташладилар ва бу тўнкалардан янги новдалар ўстириб чиқариш тадбирларини кўрдилар. Натижада дарахтлар тўнкасидан янги новдалар ўсиб чиқди. Табиий, булардан келажакда дарахт ҳосил қилиш учун иккита энг яхшилари танланиб, ортиқчалари олиб ташланди. Дарахтларнинг пўстлоғи тозаланди, оқланди, қуриган шохлар буталди ва ҳоказо.

Орджоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози 200 гектар, Сталин номли колхоз 12 гектар, Калинин районидаги Ворошилов номли колхоз 78 гектар ердаги ёш боғларни тиклаб олдилар. Бу колхозларда ўсув даври давомида боғларни 4 — 5 марта суғардилар, қатор ораларини ўз вақтида юмшатиб турдилар. Кўпгина боғларда дарахтларнинг ўсиб-тикланиш процессини тезлаштириш учун, улар ёз давомида 2 ва 3 марта озиқлантирдилар. Улар ҳар гектар ерга 120—130 килограмм азот ва 30—40 килограмм фосфорга 250—300 килограммдан органик ўғит аралаштириб солдилар. Натижада ҳозир дарахтларнинг пайвандланган жойи устидаги ўсиб чиққан новдалар 1,2—1,5 метрга бориб етди. Парвариш ишлари қунт блан давом этдирилганда, уларнинг якин йиллар ичида ҳосилдор дарахт бўлиб етилиши шубҳасиз. Бу колхозлар ёз охири ва кузги ишларни ҳам изчиллик блан давом этдирмоқдалар. Жумладан бутунлай қуриб, фақат илдиз бўғизи остидан навда чиқарган дарахтларга август ойида пайванд уланди.

Броқ областимизнинг кўпгина колхозлари совуқ урган боғларни тиклашга қаратилган агротехника тадбирларини эрта баҳорданоқ изчиллик блан амалга оширмадилар. Ҳали ҳам айрим колхоз раҳбарлари боғдорчиликни ривожлантиришга иккинчи даражали иш деб қарамоқдалар. Улар боғларни тиклаш учун зарур бўлган агротехника тадбирларини амалга ошириш ўрнига, барибир совуқ урган боғлар тикланмайди, деган мулоҳаза блан умидсизланиб юриптилар. Шунинг учун бирқанча колхозларда боғлар тикланмай, тамомила қуриди, улардаги дарахтларнинг кўпини қундаклаб қилишга тўғри келади. Масалан, Калинин районидаги «Победа» колхозида (раиси ўртоқ Нурмуҳамедов) уч гектарли ёш боғда дарахтларни тиклаш учун ҳечқандай чора кўрилмаганлигидан ҳеч бутунлай қуриб қолган. Агар колхоз правлениеси боғдорчиликни ривожлантиришга қизиққанда, бу соҳада давлат топшириқларига мас'улият блан муносабатда бўлганда эди совуқ урган дарахтларни бутунлай тиклаб олиш мумкин бўлар эди.

Тошкент қишлоқ районидаги Куйбишев номли колхозда (раиси ўртоқ Г. Мўминов) ҳам аҳвол жуда ёмон. Бу ерда 2—3 ёшли дарахтлар танасидан ҳам ,илдиз бўғизидан ҳам новдалар чиқарди. Броқ танадан чиқарган новдалар заиф бўлиб илдиз бўғизидан чиққан новдалар бақувват эди. Агар заиф новдаларни олиб ташлаб, бақувват новдаларга пайван уланганда эди боғ сақланиб қолар эди. Афсуски, бу тадбир амалга оширилмади. Қорасув районидаги Ленин номли колхозда (раиси ўртоқ Т. Нурмуҳамедов) ҳам аҳвол худди шундай. Колхозда ёш боғларнинг кўп қисми нобуд бўлмоқда. 222 гектар ердаги боғда ақалли қатор ораларини ҳайдаш, дарахт туплари атрофини юмшатиш, танасини оқлаш каби дастлабки ишлар ҳам бажарилмаган. 4 гектар ердаги боғда қорамол, отлар кезиб дарахтнинг янги ва эски шох-шаббаларини ғажимоқда.

Совуқ урган боғларни тиклашга шу хилда мас'улиятсизлик блан қарашга мутлақо чидаш мумкин эмас. Бунга йўл қўйган раҳбарлар қаттиқ қораланиши керак.

Областимиз колхозлари хўжалигида боғдорчилик катта даромад манба'ларининг биридир. Шунинг учун боғдорчиликни ривожлантиришга, айниқса совуқдан зararланган боғларни тезда тиклаш, уларни ҳосилдор қилиш тадбирларини сўзсиз амалга ошириш, якин йиллар ичида аҳолини янада мўл-кўл мева блан та'мин этишга эришмоғимиз керак.

Ма'лумки, совуқ урган, шунингдек янги барпо этилган боғлардан бир икки йил ичида тўла ҳосил кутаолмаймиз. Бу ўртада аҳолининг мевага бўлган ихтиёжини та'минлашдаги ажралишни тезда тўлдириш учун бошқа имкониятлардан ҳам тўла фойдаланишимиз зарур. Бу имкониятларнинг бири барча колхозларимизда қулупнай ва шунга ўхшаш бошқа резавор меваларр майдонини кенгайтиришдир. Бу йил ўтказилган қулупнайлар келгуси йилда ҳосил бериб, халқнинг мевага бўлган ихтиёжини қоплашда анча муҳим роль ўйнайди. Броқ колхозларимиз, айниқса шаҳар атрофидаги районларда қулупнай ўтказишга етарли аҳамият бермаётирлар. Ҳолбуки, бу экинни ҳартомонлама кенгайтириш учун жуда катта имкониятлар бор. Қулупнайни махсус ерларга экиш блан бирга ёш мева боғларининг қатор ораларига экиб, бу ерлардан ҳам бирнеча йилларгача фойдаланиш мумкин. Аммо айрим колхозларда бунга жиддий э'тибор қилмаётирлар. Калинин районидаги «Победа» колхозида 2,5 гектар ердаги қулупнайзор фақат суғарилади, ҳалос, бошқа парвариш тадбирлари амалга оширилмайди. Ҳолбуки, қулупнай ҳосили йиғилгандан кейин қатор ораларидаги ёш боғларга ишлов берилиши, бегона ўтлардан тозаланиши, ўғитланиши керак. Қулупнайзорда янгидан ўсган навдалар, улардан чиққан мўйловлар янги тана ҳосил қилиб, ўсимлик қалинлашиб кетган. Бундай ҳолда улардан мўл ҳосил кутиш мумкин эмас, албатта. Бундай фактни Тошкент қишлоқ районидаги колхозларида ҳам кўриш мумкин.

Ҳарбир колхозда иланда белгиланган боғлар, резаворзорлар бўлиши, яқин йиллар ичида аҳоли мева резавор блан мўл-кўл та'мин этилиши лозим. Бунинг учун партия ва ҳукуматимиз томонидан белгиланиб берилган барча тадбирларни сўзсиз амалга оширишимиз зарур.

И. СОБИРОВ,
В. МУКАШОВ.

СУД ЗАЛИДАН

Қотил отишга ҳукм қилинди

Мирзачўл район Октябрь қишлоқ советидаги «Қизил юлдуз» колхозининг а'зоси Рустамов 1949 йилда Азизаой Эгамбердиева деган қизга уйланган эди. У 1953 йилда хотинини ўз жиянидан рашқ қилиб бир яшар қизи борлигига қарамасдан ҳайдаб юборади. Орадан бир йил ўтгач, 1954 йил март ойида Яхшигул Йўлдошева деган қизга уйланади. У 1955 йил июнь ойидан бошлаб, бу хотинини ҳам колхоз а'зоси Раҳимжан Ҳудойбердиев блан алоқа қилишликда ноҳақ айблади ва қасос олиш мақсадида 13 июль кундуз соат 4 ларда хотини ишлаётган пахта майдони этагига бориб яшириниб ётади.

Колхозчилар уйларига кетишларидан сал олдин Рустамов хотинининг олдига келиб, «ўт ўриб қўйдим, кўтартириб юбор» дейди ва хотинини Ҳудойбердиев пичан ўраётган жойга бошлаб боради. У, Ҳудойбердиевга «сен нега хотиним блан ўйнашасан» дейди ва жавоб олмасданоқ унинг қорнига пичоқ уради. Ҳудойбердиев ўзини қутқариш учун қочганда унинг кетидан қувиб келиб, иккинчи марта пичоқ санчади. Қотил хотининнинг қочиб кеаётганини кўргач, уни ҳам қувади ва хотинига етай деганда Яхшигул ўзини каналга ташлайди. Қотил ҳам ўзини сувга ташлайди ва Яхшигулнинг 14 жойига пичоқ санчиб, уни сувга чўктириб юборади. У қайтиб яна Ҳудойбердиев олдига келади ва уни ўлдириб ўз жиноятн тўғрисида хабар беради...

Яқинда Тошкент область судининг жиноят судлов коллегияси Рустамовнинг жиноий ишини кўриб чиқди ва уни СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ отиб ўлдиришга ҳукм қилди. Меҳнаткашлар ҳукмни якдиллик блан ма'қулладилар.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА (Навоий кўчаси, 69-нчи уй) — 28/VIII кеч соат 9 да **Татаристон АССР Давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти.**

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

НАВОИЙ номли — (кундуз ва кечқурун) янги бадиий фильм **Опа-сингил Раҳмоновалар** (ўзбек тилида).

«РОДИНА» (эрталаб соат 10 дан кеч 6 гача), «ИСКРА» (кеч соат 5 гача), «ЁШ ГВАРДИЯ» (кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 9 гача) — **Опа-сингил Раҳмоновалар** (рус тилида).

«ИСКРА» (кеч соат 5 дан), «ЁШ ГВАРДИЯ» (кеч соат 10 да) — **Севги ёши.**

«ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» — кеч соат 9 да **Йўлбарс Акбар.**

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ВАТАН» — **Опа-сингил Раҳмоновалар** (ўзбек тилида). «ИСКРА», «ХИВА», «ЎДАРНИК», КИРОВ номли (рус тилида) — **Опа-сингил Раҳмоновалар.** (рустилида).

НАВОИЙ номли — **Волга-волга.**

Ташунивермагнинг 1-нчи Филиалида
29 август соат 15 да
саноат товарлари етказиб беручи ишлабчиқариш вакилларининг иштироки блан
харидорлар конференцияси БЎЛАДИ
Адрес: Тошкент шаҳар, Шота Руставели кўчаси, 49-нчи уй (11 ва 13-нчи трамвайнинг «Богдан Хмельницкий» остановкаси).

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИДА
ТЕЗ КУНДА
1955 — 56 йил мавсуми
ОЧИЛАДИ

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ коммутатор — 36334 ва 36262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 135 Маданият бўлими — 132 Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040 Қишлоқ хўжалик бўлими — 135 Саноат ва транспорт бўлими — 132. Секретариат — 34048. Э'лонлар бўлими — 38142.

Р. 06768. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № А — 1494.